
ЖАМОАЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН

*жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни
ўтказиш бўйича Амалий қўлланма*



© Муаллифлик ҳуқуқи Халқаро
масъулият лойиҳасига тегишли
www.accountabilityproject.org
Дизайн: Летиция Фарисато
Тасвирлар: Харис Ичван
Таржима: YaTT Nasirova Zaytuna Anvarovna
Саҳифалаш ишлари: Александр Шербина

Мундарижа

ЖАМОА БОШЧИЛИГИДАГИ ТАДҚИҚОТ ҚУДРАТИ	2
ТАДҚИҚОТ НИМА?	5
Диққат: жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни ўтказиш давомида	
хавфсизлик ва ҳимоя	8
Ўз тадқиқотингиз мавзусини белгилаб олинг	12
Машғулот: Қишлоғимда қушлар нималарни кўради?	13
Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар тажрибаси: Мела ҳикояси	18
ТАДҚИҚОТИНГИЗГА КИМЛАР ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ?	22
Тадқиқот гуруҳингиз таркибига кимлар киради?	23
Диққат: Хавфсизлик режасини тузинг	26
Сизнинг ҳамкорларингиз, аудиториянги ва таъсир кўрсатиш	
кучига эга бўлганлар кимлар?	27
Машғулот: Ҳамкорларни топиш	29
ТАДҚИҚОТИНГИЗНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎТКАЗАСИЗ?	34
Тадқиқот воситангизни ишлаб чиқинг	35
Машғулот: Ўз қўшнилариңгизни билинг	39
Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар тажрибаси: Сухгерел ҳикояси	42
Жамоангизни ўқитинг	46
Диққат: Мулоқот соҳасида хавфсизлик ва ҳимоя	49
Маълумот тўпланг	50
Диққат: Маълумотларни тўплаш жараёнида хавфсизлик ва ҳимоя	54
ОЛГАН НАТИЖАЛАРИНГИЗНИ АНГЛАШ, ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА УЛАР	
БИЛАН ЎРТОҚЛАШИШ	55
Олган натижаларингизни тартибга солинг	56
Машғулот: Ҳисоблаш учун компьютерлар кимларга керак?	57
Диққат: Жамоани ҳар томонлама жалб қилинг	60
Олган натижаларингизни таҳлил қилинг	61
Олинган натижалар билан ўртоқлашинг	65
Машғулот: Ўзингизни уларнинг ўрнига қўйиб кўринг	66
Биргаликда ҳаракат қилинг!	70
Жамоа бошчилигидаги тадқиқотларга оид тажрибалар:	
Элиаснинг ҳикояси	71
ИЛОВАЛАР	75

Жамоа бошчилигидаги

тадқиқот қудрати



“Жамоангизда ҳозир мавжуд бўлмаган ва сиз қўлга киритмоқчи бўлган бирор нарса борми?”

Мьянмадаги қишлоқлардан бирида ўтказилган семинар қатнашчиларига ушбу саволни берганимизда, бир киши: “Биз бунни ҳал қилишга қодир эмасмиз”, деб жавоб берди.

Биз кўпинча жамоаларимизга оид қарорларни қабул қилиш ваколатидан маҳрум қилинганмиз деб ўйлаймиз. Аммо **биз ўзимизни заиф ҳис қилишимиз керак эмас**. Назоратни қайтариб олиш ва жамоаларимизда ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш учун бир қатор қадамлар мавжуд. Жамоа томонидан амал қилинадиган ғоялар ва тажриба одамлар ҳурмат қилинадиган ва атроф-муҳит муҳофаза қилинадиган ривожланиш йўналишини таъминлайди. Жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни ўтказиш, жамоаларнинг ривожланиш билан боғлиқ бўлган муаммоларига жавоб бериш ва ривожланишнинг устувор йўналишларини ифодалашнинг самарали усулларидадан биридир.

Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар - бу муаммони аниқлаш, уни чуқур таҳлил қилиш ва муаммо ечимини таклиф қилиш учун жамоа ўзининг маҳаллий билимларига таянадиган жараёндир.

Жамоалар ўз тадқиқотларини ННТ, олимлар ёки ҳукумат каби ташқи ҳамкорларининг ёрдамида ёки уларнинг кўмагисиз олиб боришлари мумкин. Ушбу ҳамкорлар жараёнини осонлаштиришлари, маслаҳатлар беришлари ёки натижаларни таҳлил қилишда ёрдам беришлари мумкин бўлса-да, **тадқиқотни ўтказадиган ва қарорларни қабул қилиш учун жавобгар бўлган томон жамоадир**. Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар жамоа интилувчан, ваколатлар ўзаро тақсимланадиган ва ҳар кимнинг фикри инobatга олинадиган ривожланиш модели учун ҳам восита, ҳам мақсаддир.

Дарҳақиқат, жамоа аъзолари ўз тадқиқотларини олиб борганларида, улар бегона одамлар кўра олмайдиган нарсаларни кўра олишлари мумкин. Жамоалар ўз атрофларидаги дунё ва атроф-муҳит тўғрисида қарор қабул қилувчилар ва режалаштирувчилар билмаслиги мумкин бўлган билимларга эга. Кўпчилик ҳолларда, тадқиқот жараёнининг ўзи жамоаларга дуч келадиган муаммоларни яхшироқ тушунишга, уларнинг билимлари ва ғояларига бўлган ишончни шакллантиришга, ҳамжамият аъзолари ўртасида **бирдамлик** ва масъулиятни **кучайтиришга** ва жамоатчиликни ташкил қилиш учун зарур кўникмаларни ўрганишга ёрдам беради.

Тадқиқот жараёнида олинган кўникмалар ва қилинган хулосалар жамоа етакчилигидаги кампанияларини ўтказиш учун фойдали бўлиши мумкин. Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар натижалари **муқобил вариантлар имконли эканлиги** ва бутун ривожланиш жараёни жамоалар ўз ваколатларига даъво қила оладиган тарзда ўзгартирилиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Жамоалар ўзларини ва қарашларини ривожланиш жараёнининг марказига қўйганда, жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар кучли воситага айланиши мумкин!

Ушбу қўлланмада сиз ўзингизнинг жамоа бошчилигидаги тадқиқотларингизни режалаштириш, ўтказиш ва уларнинг натижаларидан фойдаланиш бўйича тегишли тадбирлар ва воситаларни топасиз. Шунингдек, сиз бутун дунё бўйлаб ушбу тадқиқотга ўз ҳиссаларини қўшган жамоа ташкилотчиларининг ҳикояларидан маслаҳатлар ва стратегияларни билиб оласиз. Рисола охирида келтирилган қўшимча манбалардан сиз турли дарсларни олинган сабоқларни ёдингизда сақлаш учун мўлжалланган Эслатмани, шунингдек, ўзингизнинг жамоангизда фойдаланишингиз ва шароитларингизга мослаштиришингиз мумкин бўлган Сўровнома намунасини топасиз.



Қўлланма



Эслатма



Сўровнома

Қани унда, бошладик!

ТАДҚИҚОТ НИМА?



Диққат: жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни ўтказиш давомида хавфсизлик ва ҳимоя **8**

Ўз тадқиқотингиз мавзусини белгилаб олинг **12**

Машғулот: қишлоғимда қушлар нималарни кўради? **13**

Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар тажрибаси: Мела ҳикояси **18**


«Тадқиқот» сўзини эшитганингизда ҳаёлингизга нималар келади? Сизнингча, тадқиқот - бу ҳар ким ҳам бажара олмайдиган ишми? Тадқиқот эришиб бўлмайдиган нарса, уни фақат университетлар профессорлари бажаришлари мумкин деган фикрдамисиз?



Тадқиқот бу нарсаларнинг бирортаси бўлиши шарт эмас. Бизнингча, тадқиқот **жамоавий ҳаракатлар** бўлиши керак, бу жамоалар ўзлари танлаган мавзуни аниқлаш, олиб бориш ва тадқиқотлар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиб, унда иштирок этган ҳар бир шахс тўпланган билимларга ўз ҳиссасини қўшиши, улар билан ўртоқлашиши ва қўпайтириши мумкин.



Меконг Жамоа Институти жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни “Жамоа аъзолари томонидан жамоа манфаати учун маҳаллий билимларга таянган ҳолда билим излаш” деб таърифлайди. Бошқа турдаги тадқиқотлар, одатда, жамоага кирмаган одамлар томонидан бериладиган саволлардан бошланади. Жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни ўтказиш давомида жамоа аъзолари ўз тажрибалари ва билимларини ҳосил қилиш, таҳлил қилиш ва тавсифлаш имконини берадиган ўз мавзулари, саволлари ва жараёнларини белгилайдилар. Жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни ўтказар экан, **жамоа ўзининг маҳаллий билимлари**, урф-одатлари ва анъаналарига таянади ва ҳосил қилган билимларига эгалик қилади. Жамоалар энди шунчаки тадқиқот ўтказиладиган жой ёки тадқиқот объекти бўлмаслиги керак. Бу нафақат тадқиқотчилар ёки олимларнинг иши - жамоалар ҳам мутахассислардир!



Жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни ўтказиш давомида хавфсизлик ва ҳимоя

Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар кучли ва самарали воситадир, бироқ бундан ҳисобга олиниши лозим бўлган хатарлар ҳам мавжуд



Баъзан одамлар ривожланиш дастури, компания ёки ўз ҳукуматларига оид маълумотларни муҳокама қилганлари ёки бундай маълумотларни сўраб муурожаат қилганлари учун таҳдидларга дуч келишади ёки уларга зиён етказиш ҳолатлари бўлиб туради. Бундай таҳдид ва зарар турли типдаги одамлардан, жумладан, расмийлар, компаниялар, таъсир кўрсатиш қурбига эга бўлган гуруҳлар ёки бевосита жамоанинг бир қисми томонидан етказилиши мумкин.

Қуйида бутун дунё бўйлаб инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари дуч келадиган хатарлар турларидан бир неча мисол келтирилган. Таассуфки, бундай ҳолатлар қалтис лойиҳалар устида ишлайдиган ҳар бир инсон билан содир бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради:

- “Давлатга қарши”, “динга қарши”, “Ғарб кучлари агентлари”, “қуроли муҳолифат гуруҳлари аъзолари”, “тижорий секс билан шуғулланувчилар”, “одам савдоси билан шуғулланувчилар”, «нопок одамлар» деб қўйиладиган айбловлар;

- Саёҳат қилишга, бошқалар билан ёзишмалар олиб боришга ёки мулоқот қилишга ҳалақит бериш;
- Таҳдидлар (масалан, “агар сиз ўз фаолиятингизни тўхтатмасангиз, ўғлингиз ҳибсга олинади”);
- Маъмурий чоралар объектига айлантириш - масалан, кенг молиявий маълумотларни, компьютер дастурий таъминотига қонуний эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш, ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказишда қийинчиликлар каби;
- Жисмоний ва жинсий тажовузлар;
- Тирикчилик манбаларига қарши ҳужумлар - иш ёки таълим олиш имкониятларидан маҳрум қилиш;
- Мулкка қарши ҳужумлар - транспорт воситаси, уй ёки офис бузиш ёки уларни йўқ қилиш;
- Ёлғон айбловлар ёки тухматга асосланган ҳолда маъмурий-фуқаролик ишлари ёки жиноий ишларни қўзғаш, ушлаш / ҳибсга олиш / қамоққа олиш;
- Ёмон муомала / қийноқ;
- Ўғирлаш / олиб қочиш;
- Қотиллик.



* * * Ушбу рўйхат Frontline Defenders' нинг хавфсизлик бўйича Иш китоби асосида тузилган. Қўшимча маълумот ва машқлар учун (шу жумладан, хавф ва хатарларни таҳлил қилишга оид) <http://bit.ly/HRDWorkbook> * *

Ушбу хатарлардан келиб чиққан ҳолда, жамоа бошчилигидаги тадқиқотларга қўшилиш истагида бўлган ҳар ким уларда қатнашиш ва айнан қандай қилиб қатнашиш борасида тўлиқ маълумотли қарор қабул қилиши керак. Умумий тадқиқот жараёни сизнинг жамоангизда қандай бўлишини тушуниш учун Иловага киритилган “Биз ҳам мутахассисмиз! Жамоа бошчилигидаги тадқиқот учун Эслатма”ни ўқиб чиқинг. Жамоангиздаги жорий вазият ҳақида ўйлаб кўринг ва тадқиқотни бошласангиз ва жараённинг ҳар бир босқичида юзага келиши мумкин бўлган жиддий зарарлар эҳтимолини баҳоланг.

Агар хатарлар катта бўлса ва тадқиқот ишларида қатнашиш одамларни жиддий хавф остига қўйиши мумкин бўлса, сиз муқобил усулларни ўрганиб чиқишингиз мумкин. Хавфсизлик билан боғлиқ вазият тез ўзгариши мумкин, шунинг учун сиз тадқиқот жараёнида вазиятни зудлик билан ва доимий равишда баҳолашни хоҳлашингиз мумкин...

Хавфсизликни ҳисобга олиш сизни чўчитиши мумкин, аммо хатарларни минималлаштириш усуллари мавжуд. Масалан: Жамоа аъзоларининг номунтазам йиғилишларини ўтказиш ҳокимият томонидан кераксиз эътиборни жалб қилиши мумкин. Учрашувларни ўтказишда қуйидаги вариантларни кўриб чиқинг:

- Дастлаб маҳаллий ресторан, чойхона ёки кафеда 5 кишидан кам одам иштирок этадиган кичик учрашув ўтказишдан бошланг.
- «Пикник» пайтида ёки яқин атрофда жойлашган шаршара, парк ёки кўл каби оммавий сайёҳлик нуқталарида одамлар томонидан ўтказиладиган бошқа тадбирларда йиғилишлар уюштиринг.
- Диний ёки дунёвий анъанавий маросимларни шу тарзда мослаштирингки, жамоа аъзолари улардан учрашувлар ўтказадиган ва қалтис масалаларни муҳокама қиладиган макон сифатида фойдаланишсин ва айна пайтда шубҳалар келтириб чиқаришмасин.



Хавфни минималлаштиришга оид қўшимча тавсияларни Қўлланманинг қатор жойларида келтирилган “Диққат” деб номланган қутилардан топишингиз мумкин.

ЎЗ ТАДҚИҚОТИНГИЗ МАВЗУСИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНГ

Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар ҳар қандай тадқиқот жараёни сари илк қадам - тадқиқот мавзусини жамоа билан биргаликда ҳал қилишдир. Жамоанинг қизиқишини уйғотиш учун имкон қадар кўпроқ одамларни жалб қилинг, учрашув ёки бир нечта гуруҳ орасида ўтказиладиган суҳбатларини ташкил этинг. Уларга жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар нима эканлигини айтиб беринг ва нимани тадқиқ қилиш, унга қандай ёндашиш ва натижалар билан нима қилишни **жамоанинг ўзи ҳал қилиши кераклигини** тушунтиринг.

Жараён билан таништириб бўлгач, жамоангизда билдирилган мулоҳазалар ва ўтказилган суҳбатлар асосида тадқиқот учун энг муҳим саволларни аниқлашга ҳаракат қилинг. Бундай суҳбатлардан четда қолмасликларини таъминлаш учун уларнинг орасида хотин-қизлар, ёшлар, ногиронлар ва маҳаллий жамоанинг бошқа аъзолари етарлича намоён этилганига ишонч ҳосил қилинг. Суҳбатга **ҳамма қўшилишини таъминлаш учун** қўшимча чоралар кўриш зарурати пайдо бўлиши мумкин, масалан, фақат аёллар учун ёки фақат ёшлар учун мўлжалланган учрашувлар ўтказиш керак бўлади.





МАШҒУЛОТ:

ҚИШЛОҒИМДА ҚУШЛАР НИМАЛАРНИ КЎРАДИ?



Мақсадлар:

Жамоа ўрганиш муҳим деб ҳисоблаган муаммоларни тадқиқ қилиш ва ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш.



Вақт: 1 соатдан 2 соатгача



Материаллар:


Магнит-маркер тахтаси қоғози; Ёпиштириладиган ёзувлар ёки тасмали рангли қоғозлар; Ручкалар, маркерлар ва ёзиш учун мўлжалланган бошқа анжомлар.



КЎРСАТМАЛАР:

БИРИНЧИ ҚИСМ: МЕНИНГ ЖАМОАМГА ОСМОНДАГИ ҚУШ НИГОҶИ БИЛАН ТАШЛАНГАН НАЗАР

- 1 Одамларни жамоанинг ҳар бир аъзоси келиб иштирок эта оладиган жойда тўпланг.
- 2 Машғулотни ўтказишдан мақсад, жамоа олдида турган ва у кўпроқ билмоқчи бўлган энг муҳим масалаларни аниқлаб олиш эканлигини тушунтиринг.
- 3 Иштирокчилардан ерда магнит-маркерли қоғозда йўналишларни (Шимолий, Жанубий, Шарқий, Ғарбий) ёки катта дарахт, тоғ ёки жамоа маркази каби қишлоқдаги кўзга ташланарли жойларини белгилаб чиқишларини сўранг. Ушбу харита аввал қўл остидаги материаллар ёрдамида ерга чизилиб, сўнгра қоғозга кўчирилса осонроқ бўлади.



- 4 Қишлоқдаги йўналишлар ва муҳим кўрсаткичлардан маркерлар сифатида фойдаланиб, қишлоқ чегараларини чизиб кўрсатинг. Қишлоқ ҳудудидан ўтган йўллар ва барча дарёлар ва ариқларни чизинг. *(4- ва 5- қадамларга 10-15 дақиқа вақт сарфланиши керак. Иштирокчиларга қоралама чизманинг ўзи етарли эканлиги, сизга чиройли харита керак эмаслигини эслатиб қўйинг!)*
- 5 Иштирокчилардан мактаблар, ичимлик суви манбалари, касалхоналар, сажадоғҳлар, кўприқлар, метеорологик

бошпаналар ва бошқалар каби муҳим ва ижтимоий тузилмаларни аниқлашларини сўранг.

- 6 Қатнашувчилардан қишлоқда ёки унинг атрофларида турли этник ва диний гуруҳлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида сўранг. У ерда бошқа гуруҳлар борми? Ушбу нуқталарни бевосита харитада белгиланг ёки нуқталарни ёпишқоқ қоғозга ёзинг ва уларни харитага жойлаштиринг.

ИККИНЧИ ҚИСМ: БИЗНИНГ ТАДҚИҚОТИМИЗ МАВЗУСИНИ АНИҚЛАШ

- 7 Энди сиз жамоани осмондаги қушларнинг нигоҳи билан кўра олганингиздан кейин, қатнашчиларни тахминан 5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинг. Ҳар бир гуруҳ иштирокчиларидан ердан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотиш, сув танқислиги, оилавий зўравонлик, мактабларнинг етишмаслиги ва шу каби муаммолар ёки қийинчиликларга дуч келаётганлари ёки келмаётганларини муҳокама қилиш ва аниқлаб олишни сўранг. Мавжуд ривожланиш лойиҳасига жавоб беришга қизиқишингизга ёки ўзингизнинг лойиҳангизни яратишга бўлган қизиқишингизга қараб, қуйидаги саволлар вариантларини бериш тўғрисида ўйлаб кўринг:

а. Жамоамизга оид ташвишларингиз нималар билан боғлиқ?

б. Қайси муаммоларни ҳал қилсак жамоамизнинг ҳаётини ижобий томонга ўзгартиришга ёрдам беради?

в. Жамоамиздаги турли гуруҳларни янада бахтлироқ ва соғломроқ қилиш учун қайси муаммоларни ечишимиз лозим?

- 8 Кичик гуруҳлардаги муҳокамалар ўтганидан сўнг, иштирокчиларга ўзларининг ғоялари тасвирини чизишни ёки ўз фикрларини қоғозга ёки стикерларга ёзиб қўйишни илтимос қилинг. Уларни харитага жойлаштиринг.

- 9 Иштирокчилардан 1 дан 3 гача бўлган асосий умумий муаммони танлашни сўранг. Улардан ушбу муаммолар натижасида нималар содир бўлиши мумкинлиги ва агар бу муаммолар ҳал этилса нималар содир бўлиши ҳақида ўйлаб кўришларини сўранг.



Уларга ўз фикрлари билан бутун гуруҳ билан баҳам кўришишни таклиф қилинг. Иштирокчиларнинг биридан ушбу фикрларни қоғозга ёзиб, хаританинг ёнига жойлаштиришни илтимос қилинг. Кейин аниқланган ҳар бир муҳим муаммо бўйича қуйидагиларни сўранг:

а. Ушбу муаммонинг жамоамизга таъсири қандай?

Таъсирлар, кўпинча одамлар муаммонинг таркибий қисми сифатида кўриб турган, эшитаётган ва ҳис этаётган нарсаларга таъсири.

б. Ушбу муаммонинг бевосита сабаблари нимада?

Сабаблар, кўпинча, сизга кўрмайдиган ёки яширин, муаммонинг келиб чиқишига ҳисса қўшадиган нарсалардир. Бошқача қилиб айтганда, қандай вазиятлар муаммонинг пайдо бўлишига бевосита тўртки беради?

в. Биз ўзгартиришимиз зарур бўлган асосий муаммо нимада?

Тўб сабаблар бу муаммони бевосита келтириб чиқарадиган вазиятларнинг асосий сабабларидир. Сиз вазиятнинг бир неча тўб сабабини аниқлашингиз мумкин – жамоангизни ўзгартириш мақсадида муаммони ҳал қилиш учун уларнинг қайси бирини энг муҳим деб ҳисоблайсиз?

г. Бу муаммони ҳал қилиш учун бизга қандай маълумотлар зарур?

Қуйида жамоада озиқ-овқат тақчиллиги муаммоси билан боғлиқ мисол келтирилган:

Таъсирлар

- Жамоамизда болалар тўйиб овқатланмайди
- Жамоамиз аъзоларининг даромадлари камайган

Тўғридан-тўғри сабаблар

- Дарёдан камроқ балиқ овланмоқда

Туб сабаблар

- Қўшни жамоа балиқ тутиш учун бизнинг ҳудудга келади
- Қўшни жамоа яқинида тўғон қурилган
- Тўғонни қуриш таклиф қилинганида ва қурилаётганида унинг жамоамизга таъсири ўрганилмаган

10 Алоҳида магнит-маркерли тахта қоғозига ўзингизнинг асосий масалаларингизни ва юқоридаги саволларга жавобларингизни ёзинг. Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар доирасида қайси мавзуларни ўрганиш ва тадқиқ қилишни хоҳлаётганингизни муҳокама қилинг. Муаммонинг турли қисмларини, таъсирини ва сиз ҳал қилишни истаган туб сабабларни бир-биридан ажратиб, мавзунини торайтиринг.

** Ушбу машғулот Social Map by Action Aidнинг тармоқ воситалари ва Moblab's Campaign Accelerator Toolkitда келтирилган воситалар тўпламининг "Муаммони ўрганиш" машқлари ёрдамида мослаштирилди. Ушбу манбаларга мана шу ердан ўтишингиз мумкин:

<http://bit.ly/ActionAidTools>

<http://bit.ly/MobLabCampaignAcceleratorDefine>

Эсингизда бўлсин, сиз аниқлаган мавзу ривожланиш банклари, лойиҳа ишлаб чиқувчилар ёки ҳукумат турлича кўриб чиқиши мумкин! Агар уларнинг даъволари нотўғри ёки чала бўлса, улар тўғрисида хабар бериш ва устидан шикоят қилиш мумкин. Масалан, агар сиз лойиҳанинг инсон ва атроф-муҳитга мавжуд ва потенциал таъсирини ўрганаётган бўлсангиз, ўз изланишларингиздаги, ҳукумат, компания ёки банклар томонидан ишлаб чиқилган "расмий лойиҳа ҳужжатларида" мавжуд бўлмаган, олиб ташланган ёки нотўғри бўлган маълумотлар билан баҳам кўришингиз мумкин.

ЖАМОА БОШЧИЛИГИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР ТАЖРИБАСИ:

МЕЛА ҲИКОЯСИ

Салом, менинг исмим Мела! Мен Зимбабвелик жамоат ташкилотчисиман. Сўнги саккиз йил давомида мен Африкадаги жамоалар билан кон саноатида шаффофликни ошириш йўналишида фаолият юритдим. Мен жамоаларга ўз тадқиқотларини ўтказиш ва улар олдида турган ривожланиш билан боғлиқ муаммоларини аниқлашни ўргатаман ва уларга таянч кўрсатаман. Мен жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар - бу жамоаларга орттирган тажрибалари билан ўртоқлашиш ва улар эришмоқчи бўлган ўзгаришларни англаш имконини берадиган кучли восита деб ҳисоблайман.

Даставвал, мен Шарқий Зимбабвенинг Марангесисидидаги ўз жамоам доирасида жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни ўтказдим. 2006 йилда Марангеда олмос конлари топилди, бу кончиликнинг гуркираб кетишига олиб келди, натижада инсон ҳуқуқларининг кўплаб бузилишларига йўл қўйилди. Жамоа бошчилигидаги



Мелания Чипонда Зимбабведаги Маранге жамоасидан бўлиб, у минтақалараро WoMin компанияси мувофиқлаштирувчиси. WoMin гендер ва тоғ-кон саноати масалалари бўйича Африка бирлашмасидир. У Африкада ривожланишнинг устувор бўлган деструктив моделларининг муқобили бўлиб, пост-экстрактивистик соҳада, экологик адолатни ўрнатиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш соҳаларида иш олиб боради. Олдинроқ Мела Chiadzwa Community Trust асосчиси ва унинг лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси бўлган.

Мела ХМЛга тегишли Global Advocacy Team (Глобал адвокация ташаббуси)нинг таркибий қисмидир, у ўзида ривожланиш бўйича лойиҳаларини амалга ошириш борасида бевосита тажрибага эга бўлган жамоа ташкилотчиларини жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни

тадқиқотлар жараёнида биз ўз муаммоларимизнинг илдишларини биргаликда тушунишга ҳаракат қилмоқчи эдик. Ушбу жараённинг энг муҳим босқичларидан бири тадқиқот мавзусини аниқлаш борасида келишиб олиш бўлган. Марангеда биз кончилик компаниялари туфайли қандай қилиб еримиз, бойликларимиз ва тирикчилик воситаларимиздан айрилиб қолганимиз тўғрисидаги мавзунини муҳокама қилдик.

Сўхбатлар давомида, агар биз хусусий компанияларнинг бизнинг ерларимизни ўғирлик билан тортиб олишига қаршилик қилсак, бу билан ўз ресурсларимиз ва тирикчилик воситаларимизни ҳимоя қилишимиз мумкинлигини англадик. Биз ерларнинг эгаллаб олинишини муаммоларимизнинг асосий сабаби, деган хулосага келдик.

Сиз мослашувчан бўлишингиз ва тадқиқотнинг йўналиш марказини одамларнинг саволларга қандай жавоб беришига қараб мослаштиришингиз керак. Масалан, бошқа бир жамоада биз аввалига ерни тортиб олиш асосий масала, деган хулосага келгандик, ammo тадқиқотни ўтказиш жараёнида ҳамма сувдан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлиш ҳақида гапираётганларини билдик. Ўшанда биз бу масала, жамоа ҳал Марангеда бизнинг тадқиқот гуруҳимиз етти

ўтказиш ва ривожланиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш методларини ўзгартириш ва уларни амалга ошириш учун жамоаларни сафарбар қилиш мақсадида бирлаштиради. Уларнинг ҳисоботи билан куйидаги манзилда танишишингиз мумкин: bit.ly/backtodevelopment

Меланинг тадқиқотларида қўлланилган сўровнома Глобал адвокация ташаббуси томонидан ишлаб чиқилган ва Иловага киритилган.



Зимбабве

« Баъзида, асосий муаммони дарҳол аниқлаш осон бўлмаслиги мумкин.

« Бугунги кунда келиб Маранге аҳолиси уларнинг овозлари эшитилишига ишонч ҳосил қилишмоқда.

нафар маҳаллий ёшлардан иборат эди, ammo бошқа ҳолларда тадқиқотларни олиб бориш учун жамоа пешволари ва ташкилотчилар бирлашиб иш олиб боришган. Биз кичик гуруҳлардаги одамлар орасида савол-жавоб ўтказдик ва аёлларни ўз фикрларини билдиришга ундадик. Агар жамоада аёллар бўлмаган бўлса ёки аёллар сукут сақлашган бўлса, биз фақат аёл иштирокчилар билан алоҳида мунозараларни ташкил этдик. Биз мунозараларни тадқиқотнинг асосларини тушунтириш ва иштирокчиларга жараён давомида ўзларини ноқулай сезишса ёки хатар пайдо бўганини ҳис этишса, иштирок этишдан воз кечишга ҳақли эканликларини билдириш билан бошладик. Марангеда фокус-гуруҳининг айрим йиғилишлари ўтказилган пайтда, ушбу ҳудудда жойлашган ҳарбий баъзадаги қуролланган аскарлар йиғилишларга келиб, муҳокама қилинаётган нарсаларни тинглашди. Жамоа аъзолари қўрқитишларга парво қилмаслик тўғрисидаги қарорга келишди. Иштирокчилардан бири айтганидек: “Бизнинг сўзларимиз ҳақиқат экан, биз ўз еримиз ва тирикчилик манбаларимиз учун бошлаган курашимиздан қайтмаймиз”.



Биз фойдаланган сўровнома намунаси қатъий тарзда ишлаб чиқилмаган бўлиб, у сўровда аниқ саволлар берилмаган ҳолларда ҳам иштирокчиларнинг жамоа аъзоларига ўзларининг ҳикояларини айтиб бериш имконини берган. Кичик мунозаралар бизга жуда бой маълумотларни тақдим этди, биз уларни сўровномага берилган жавоблар билан бирга таҳлил қилдик. Шунингдек, биз гуруҳ доирасида ўтказилган савол-жавобларда ўзларини ноқулай ҳис этган одамлар билан яккама-якка суҳбатлар ўтказдик. Жамоада ҳар бир кишининг қарашларини ҳисобга олиш ҳақиқатан ҳам муҳим бўлган ва биз олмос қазиб олиш амалиётларидан зарар кўрганлар ва ўйлардан кўчирилганларнинг барчасига мурожаат қилишни ўз олдимишга мақсад қилдик.

Марангеда ўтказилган жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар жамоамиз олиб борган курашини сезиларли равишда кучайтириш баробарида, жамоаларга умумий кун тартибига қўйилган мақсадларга эришиш йўлида жипслашиш ва бирлашиш имкониятини яратиш учун кучли ташкилий восита сифатида хизмат қилди. **Бугунги кунда келиб Маранге аҳолиси** олмос қазиб олиш билан боғлиқ муаммолар ҳақида очик гапиришдан ёки ҳукуматга саволлар беришдан қўрқмайдилар. Жамият жараёнга ва ушбу тадқиқотга эгаллик қилганлиги сабабли, **уларнинг овозлари эшитилишига ишонч ҳосил қилишмоқда.**



Муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Маранге жамоаси тадқиқот учун энг муҳим масалаларни қандай қилиб аниқлади?
2. Тадқиқот давомида тадқиқотчилар гуруҳи қандай қийинчиликларга дуч келди ва улар бу қийинчиликларга қандай жавоб беришди?
3. Хавфсизлик билан боғлиқ хавотирларни чеклаш учун жамоа қандай хавфсизлик чораларини кўрди.

ТАДҚИҚОТИНГИЗГА КИМЛАР ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ?

- 23 Тадқиқот гуруҳингиз таркибига кимлар киради?
- 26 **Диққат:** хавфсизлик режасини тузинг
- 27 Сизнинг ҳамкорларингиз, аудиториянгиз ва таъсир кўрсатиш кучига эга бўлганлар кимлар?
- 29 **Машғулот:** ҳамкорларни топиш

Тадқиқот мавзусини аниқлайдиган ажойиб иш! Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар бутун жамоа иштирокида амалга ошириладиган жамоавий ҳаракатлар бўлса-да, тадқиқотни олиб борадиган ва жамоанинг бошқа аъзоларидан маълумотларни тўплаш билан шуғулланадиган махсус тадқиқот гуруҳига эга бўлиш мақулроқдир. Биргаликда сиз тадқиқотни қандай олиб боришни, қандай роллар ва воситаларга эҳтиёж борлигини ва ўзингизнинг изланишларингизни яқунлаш учун аниқ вақтни белгилашингиз мумкин.

ТАДҚИҚОТ ГУРУҲИНГИЗ ТАРКИБИГА КИМЛАР КИРАДИ?

Тадқиқот гуруҳини шакллантириш учун жамоа аъзоларига мурожаат қилинг. Жамоа аъзоларингизни, улар асосий қарорларни қабул қилиш имкониятига эга бўлишлари учун, уларни имкон қадар эртароқ жалб қилинг. Тадқиқот мавзусига қизиқадиган, лойиҳа мақсадига содиқ бўлган ва **жамоанинг хилма-ҳиллигини акс эттирадиган шахсларни** қидиринг. Масалан, жамоанинг ҳар бир аъзоси йиғилишларда ёки тадбирларда қатнашиш имкониятлари ёки жамият аъзолари фойдаланадиган бошқа шеваларда гаплашиш қобилиятига қараб қандай ҳисса қўшиши мумкинлигини кўриб чиқишингиз мумкин.



Гуруҳ аъзолари кенгроқ жамоа билан маълумот алмашишади, саволлар беришади ва йиғилган маълумотларни тўплашади. Тадқиқотчилар гуруҳи жамоадаги кўплаб тоифаларга мансуб одамларнинг, айниқса кам тамсил этилиши ва четлаштирилиши мумкин одамларнинг вакили бўлиши баробарида, эркаклар ва аёллар ўртасида мутаносиб мувозанатга эга бўлиши керак. Жамоа аъзоларининг сони тадқиқот кўламига боғлиқ бўлади, лекин одатда камида 10 киши керак бўлади. Жамоа, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари / фуқаролик жамияти гуруҳлари ва жамоа аъзоларининг бирикмаси бўлиши мумкин - аммо жамоанинг камида учдан бир қисми жамоа аъзоларидан иборат бўлиши керак. Тадқиқот гуруҳингизга номзодларнинг қисқа рўйхатини тузиш учун қуйида келтирилган жадвал каби воситалардан фойдаланишингиз мумкин. Уларнинг аниқ малакалари сизнинг мезонингизга нечоғлиқ мос келиши ҳақида пухта ўйлаб кўринг:

Исми	Алекс	Среймон	Умида
Ўзаро қизиқишлари?	Балиқчилик соҳаси муаммолари	Аёлларга таъсири	Ёшларнинг роли
Масъулиятлими?	Жамоа билан мулоқот қилиш имкониятига эга	Бутун жараёнга қатъий содиқлик	Ҳозирнинг ўзида унга кўплаб масъулият юкланган
Ҳиссаси?	Ёзиш ва чизиш соҳасида маҳорати бор	Таркибида аёллар бўлган фокус-гуруҳларига етакчилик қилиши мумкин	Компьютерлар ва технологиялар билан яхши таниш
Кимларнинг намоёндаси	Маҳаллий шеваларда гапира олади	Аёллар гуруҳини намоён этади	Ёшлар гуруҳларини намоён этади
Ишонч?	Ҳа	Ҳа	Ҳа
Изоҳлар	Нодавлат нотижорат ташкилотининг собиқ ходими	--	Жамоани кўллаб-қувватлай олади, шу боис бохабар бўлиб туринг

Жамоангиз билан биргаликда тадқиқот нима учун ўтказилаётганини, жамоангиз тадқиқот давомида нималарга эришишни истаётганини ва ҳар бир гуруҳ аъзосининг роли қандай бўлишини тушуниб олинг. Тўлақонли иштирокка тўсқинлик қиладиган тўсиқлар бор ёки йўқлигини билиб олинг. Сизнинг жамоангизга қандай машғулотлар ва ёрдам керак?

Жамоа аъзолари иштирокчилар билан яккама-якка, кичик гуруҳларда ва бутун жамоа доирасидаги йиғилишларда ўтказиладиган суҳбатлар ва интервьюларда ўзларини қулай ҳис этишлари керак.

Эсингизда бўлсин, тадқиқот аслида **маълумот алмашинувидир**, шунинг учун жамоанинг ҳар бир аъзоси ўрганилаётган ривожланиш лойиҳасини ва жамоа бошчилигида бажариладиган ҳар қандай ривожланиш режаларини чуқур тушуниши керак.

Жамоа аъзолари тадқиқот мавзуси тўғрисида дастлаб тадқиқот гуруҳидан билиб олишлари мумкин, шунинг учун суҳбатдан сўнг билганларингизни тушунтиришга ва ўз билимларингиз билан ўртоқлашишга тайёр бўлинг. Бу сизга суҳбат бошланишидан олдин иштирокчининг билим даражасини батафсил ёзиб олишга ёрдам беради.



ДИҚҚАТ:

ХАВФСИЗЛИК РЕЖАСИНИ ТУЗИНГ



Сизнинг тадқиқот гуруҳингиз барча мумкин бўлган хатарларни баҳолаши ва тадқиқотни бошлашдан олдин уларни минималлаштириш режасини тузиши керак. Жамоангизга аъзоларни жалб қилоётганингизда, аввал улар дуч келиши мумкин бўлган хатарлар борлигини тушунтиринг. Жамоа доирасида хавф ва таҳликаларни биргаликда таҳлил қилинг, сўнг уларда иштирок этиш хоҳиши йўқолган ёки йўқолмаганлигини сўранг.

Иштирокчилар дуч келиши мумкин бўлган хатарларни ўзингиз ҳам таҳлил қилганингизга ишонч ҳосил қилинг ва уларни қандай камайтириш йўлларини аниқлаб олинг. Барча иштирокчиларнинг хатарлар ва уларни камайтириш чоралари тўғрисида хабардор бўлишларини таъминлаш учун ушбу маълумотлар билан тадқиқот иштирокчилари билан қандай ўртоқлашиш масаласини ҳал қилинг.

****Хавфсизлик режангизни тузаётганингизда ёрдам олиш учун Front Line Defenders томонидан ишлаб чиқилган Хавфсизлик бўйича иш дафтарига қаранг**
<http://bit.ly/SecurityPlanFrontLineDefenders>

СИЗНИНГ ҲАМКОРЛАРИНГИЗ, АУДИТОРИЯНГИЗ ВА ТАЪСИР КЎРСАТИШ КУЧИГА ЭГА БЎЛГАНЛАР КИМЛАР?

Сиз тадқиқот мавзусини жамоа билан ҳал қилдингиз ва тадқиқот гуруҳини туздингиз, энди ҳамкорларни, таъсир кўрсатиш кучига эга бўлганларни ва аудиторияни аниқлаб олишингиз керак.

Ҳамкорлар - бу тадқиқотни ўтказиш давомида сизга турли йўллар билан ёрдам берадиганлардир. Сизнинг жамоангиз аъзолари иш билан банд бўлишлари ёки тадқиқот жараёнининг барча босқичларига ҳисса қўшишга вақтлари бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда талабалар ва маҳаллий фуқаролик жамияти гуруҳлари каби ҳамкорларга мурожаат қилиш жуда фойдали бўлиши мумкин.



Мисол учун, талаба ёки тадқиқотчи тадқиқот воситасини ишлаб чиқиш ёки маълумотни тартибга солиш тизимини яратишда техникавий ёрдам кўрсатиши мумкин. Шунингдек, сиз аллақачон жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни ўтказган жамоалар ёки шунга ўхшаш лойиҳа, компания ёки банк таҳдиди остида бўлган бошқа **жамоаларнинг маслаҳати ва кўмагини олиш ҳақида** ўйлаб кўришингиз мумкин. Олимлар ва ҳукумат аъзолари, агар сиз улар билан боғланишни хавфсиз деб ҳисобласангиз, тадқиқот натижаларини таҳлил қилишда, асосий натижалар ва тенденцияларни аниқлашда ёрдам

беришлари мумкин. Мақсадларингизга қараб, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва рассомлар жамоалари каби бошқа ҳамкорлар ҳам тадқиқот натижаларини графика, ёзма ҳисобот ёки видеороликлар кўринишида ташкил қилишда ёрдам бериши мумкин.

Таъсир кўрсатиш кучига эга бўлганлар - бу сиз ўрганаётган мавзунинг бир жиҳатига таъсир қиладиган ёки уни назорат қилувчидир. Таъсир этувчилар орасида лойиҳа ишлаб чиқувчилар, молиячилар, оммавий ахборот воситалари ташкилотлари, маҳаллий расмийлар ёки ҳукуматнинг бошқа аъзолари бўлиши мумкин. Агар сизнинг жамоа бошчилигидаги тадқиқотларнинг мақсади тарғибот мақсадига эришиш бўлса, ушбу таъсир кўрсатувчилар сизнинг тадқиқотингизнинг **мақсадли аудиторияси** бўлиши мумкин.

Тадқиқотингиз энг катта таъсир кўрсатишини таъминлаш учун мақсадли аудитория билан қандай ўзаро алоқада бўлишни хоҳлаётганингизни олдиндан ўйлаб кўриш фойдадан ҳоли бўлмайди. Агар бу жамоа учун хатар туғдирмаса ва тадқиқот ёки кампанияни хавф остига қўймаса, тадқиқот мавзуси ҳақида маълумотга эга бўлиши мумкин бўлган қарор қабул қилувчилар ва муҳим мансабдор шахслар билан боғланиш масаласини ўйлаб кўринг. Уларга нима таъсир қиладиганлигини ўрганинг ва улар билан ҳамкорлик қилишни исташингиз ёки истамаслигингиз ҳақида ўйлаб кўринг. Шунга қарамай, агар бу хавфсиз бўлса, тадқиқот тугагунга қадар уларни хабардор қилиш учун учрашув ёки телефон қўнғироғини режалаштиринг. Агар улар билан яхши муносабатда бўлсангиз, жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар орқали қандай саволларга жавоб олишни исташларини билиб олинг. Маҳаллий, миллий ва халқаро фуқаролик жамияти ташкилотлари қўшимча тадқиқот маълумотларини тақдим этиши ва тадқиқот тугагандан сўнг мақсадли аудитория ва қарор қабул қилувчиларга етказиш учун **хабарларни кенгайтиришлари** мумкин.

Ҳамкорларга, таъсир ўтказувчиларга ва мақсадли аудиторияларга мурожаат қилинг ва биргаликда хабарларни аниқ, содда қилиб ҳозирлаш тўғрисида келишиб олинг. Ушбу хабарларни диққат билан ҳужжатлаштиринг ва тартибга солинг, иложи бўлса, учрашувлар ва суҳбатлар баённомаларини сақлаб боринг.



МАШҒУЛОТ:

ҲАМКОРЛАРНИ ТОПИШ



Мақсадлар:

Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар учун салоҳиятли иттифоқчилар, таъсир ўтказувчилар ва аудиторияни аниқлаш ва визуал равишда акс эттириш.



Вақт: 60-90 дақиқа



Материаллар:

Флипчарт, маркерлар, рангли қоғозлар ёки ёпишқоқ қоғозлар

КЎРСАТМАЛАР

Ушбу машғулотни ўтказишдан олдин қуйидаги жадвал туширилган флипчарт вароғини тайёрланг:

Биз кўрсатган мавзу кимларга таъсир ўтказади?

Ҳозирда кимлар бизнинг ишимиз устида иш олиб бормоқда?

Вазиятга кимлар таъсир ўтказа олади?

Бизга яқин жойда яшайдиган ва тадқиқот ўтказиш соҳасида тажрибага эга бўлганлар кимлар?

- 1 Гуруҳ доирасида ҳар бир саволни бирма-бир диққат билан кўриб чиқинг. Ҳар бир инсон ёки ташкилотнинг исмларини аниқлаб уларни бирма-бир рангли қоғозга ёки ёпишқоқ вароқларга ёзинг. Ушбу субъектлар ҳукумат, фуқаролик жамияти, компания, молиячилар ва бошқалар бўлиши мумкин. “Таъсир” масаласига келганда, ушбу шахс ёки ташкилотнинг мавжуд қонунларни қўллаш ёки сизнинг номингиздан музокаралар олиб бориш орқали вазиятни ўзгартириш учун ваколати ёки ресурслари бор ёки йўқлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Бошқача қилиб айтганда, агар улар ишга қўл уришса ва ҳамма нарса дарҳол ўзгариб қолса, улар таъсир ўтказувчилардир.
- 2 Стикерли ёзувлар ва вароқларни флипчартнинг ҳар бир кутисига жойлаштиринг. Қуйида келтирилган мисолга қаранг:

<p>Биз кўрсатган мавзу кимларга таъсир ўтказди?</p> <p><i>Дарёнинг қуйи оқимида яшайдиган қишлоқ аҳолиси</i></p> <p><i>Роҳиблар</i></p>	<p>Ҳозирда кимлар бизнинг ишимиз устида иш олиб бормоқда?</p> <p><i>Адвокат</i></p>
<p>Вазиятга кимлар таъсир ўтказа олади?</p> <p><i>Маҳаллий ҳокимият</i></p> <p><i>Энергетика вазирлиги</i></p>	<p>Бизга яқин жойда яшайдиган ва тадқиқот ўтказиш соҳасида тажрибага эга бўлганлар кимлар?</p> <p><i>Университет талабалари</i></p> <p><i>Мактаб ўқитувчилари</i></p>

- 3 "Ким билан ишлашимиз мумкин?" - деган саволни ёзинг. Жамоа аъзоларига, илгари аниқланган гуруҳлар орасида қайси бирлари билан бирга иш олиб бориш энг муҳим деб ўйлайсиз? - деган саволни беринг. Уларни катаклардан доирага ўтказинг.



- 4 Давра атрофига жойлаштирилган ўйинчиларга диққат билан қаранг. Нима учун улар сизнинг ҳамкорингиз бўлишни хоҳлашлари, уларнинг қизиқишлари ва мотивациялари қандай бўлиши мумкинлигини, улар сизга қандай ёрдам бериши мумкинлигини ва улар билан қандай ишлашни хоҳлаётганингизни муҳокама қилинг.

Масалан:



Роҳиблар тадқиқот лойҳасини кенг жамоатчилик орасида тарқатишда ёрдам беришлари ва маъбадда учрашувларга мезбонлик қилишлари мумкин.



Қишлоғимиздаги **мактаб ўқитувчилари** маълумотларни таҳлил қилиш ишларида кўмак беришлари мумкин.



Универтитетлар талабалари суҳбатлар ва йиғилишлар пайтида билдирилган фикрларни ёзиб олишга ёрдам беришлари мумкин.

5 “Вазиятга ким таъсир қилиши мумкин?” доирасига туширилган одамларга эътибор беринг. Ушбу ўйинчилар сизнинг мақсадли аудиториянгиздир. Уларга мурожаат қилишнинг мумкин бўлган усуллари ҳақида ўйлаб кўринг. Қайси газетани ўқишлари, қайси радио ёки телевидение дастурларини томоша қилишлари ва тинглашларини, иложи бўлса, ҳатто уларнинг Facebook ёки Твиттердаги аккаунтларини билиб олишга ҳаракат қилинг! Эҳтимол, сизни улар билан таништира оладиган ёки сиз учун учрашув ташкил этадиган воситачи керак бўлиб қолиши мумкин.

→ Сиз даврдан ташқарида қолдирган ўйинчилар ҳам ишлаш учун муҳим одамлар бўлишлари мумкин, аммо сиз улар ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаслигингиз ёки ҳали улардан шубҳангиз бўлиши мумкин. Келажакда уларга мурожаат қилишни хоҳлаб қолишингиз мумкин, шу боис уларни диққат-эътиборингиздан четга қолдирманг.

6 Танланган ўйинчилар киритилган харитангизни сақлаб қўйиш учун алоҳида қоғозга нусхалашни тавсия этамиз. Сиз ушбу харитадан ўз хавфсизлигингизни таҳлил қилиш ва тадқиқот натижалари учун мақсадли аудиторияни аниқлашда фойдаланишингиз мумкин.

Хулоса: сизнинг ҳамкорингиз кимлар бўлиши ёки бўлмаслиги ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумотга эга бўлиш фойдали. Ҳамкорларни орттириш - ишончни мустаҳкамлашдан бошланади. Ҳамкорлар жамоангиз хоҳлаган нарсаларга раҳбарлик қилмаслиги ёки устунлик қилмаслиги муҳим аҳамиятга эга. Вақт ўтиши билан иттифоқдошларингиз билан муносабатлар ҳам ўзгариши мумкинлиги ёдингизда бўлсин. Диаграммангизни вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

ТАДҚИҚОТИНГИЗНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎТКАЗАСИЗ?

- 35 Тадқиқот воситангизни ишлаб чиқинг
- 39 **Машғулот:** ўз қўшниларингизни билинг
- 42 Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар тажрибаси: Сухгерел ҳикояси
- 46 Жамоангизни ўқитинг
- 49 **Диққат:** мулоқот соҳасида хавфсизлик ва ҳимоя
- 50 Маълумот тўпланг
- 54 **Диққат:** маълумотларни тўплаш жараёнида хавфсизлик ва ҳимоя

Шу босқичга етганингизда сиз лойихада гап нималар ҳақида бориши ва унга кимлар жалб этилишини биласиз. Шундай қилиб, жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни қандай қилиб ўтказасиз? Маълумот йиғишни бошлашдан олдин, сиз даставвал ўз тадқиқот воситангизни ишлаб чиқишингиз ва маълумот йиғиш тизимини йўлга қўйишингиз керак.

ТАДҚИҚОТ ВОСИТАНГИЗНИ ИШЛАБ ЧИҚИНГ

Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар турли хил усуллар ёрдамида ўтказилиши мумкин. Жумладан, улар сўровномалар, интервьюлар ва фокус-гурӯх муҳокамаларини ўз ичига олиши мумкин. Биз муҳокама қилмоқчи бўлган мисол – жамоа бошчилигида ўтказиладиган сўровдир. Бошқа тадқиқот воситалари ҳақида қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манбаларга мурожаат қилинг:

- Фокус-гурӯх муҳокамалари:
<http://bit.ly/NetworkedToolboxFocusGroup>
- Сўхбатлар:
<http://bit.ly/CommunityToolboxInterviews>
- Жамоани хариталаш:
<http://bit.ly/ResearchForOrganizingCommunityMapping>
- Жамоа баённомалари
<http://bit.ly/NaturalJusticeCommunityProtocolsToolkit>

Сўров бу савол бериш орқали бир гурӯх одамларнинг фикрлари ёки тажрибаларини тўплаш усули. Жамоа бошчилигида ўтказиладиган сўровлар, одатдаги сўровлардан фарқли ўлароқ, уларда нафақат маълумот тўпланади, балки жамоа ва тадқиқотчилар гурӯҳи ўртасида маълумот ва фикр алмашиш имкони пайдо бўлади. Ушбу тадқиқот воситасидан фойдаланишнинг баъзи афзалликлари ва камчиликлари:




Сўровларни ўтказишнинг афзалликлари	Сўровларни ўтказишнинг камчиликлари
Кенг кўламда бажарилиши ва кўпроқ одамларнинг жавобларини ўз ичига олиши мумкин	Ўқиш ва ёзишни билмайдиган иштирокчилар қандай қилиб қатнашишларини кўриб чиқиш керак
Унда стандарт саволлар тўплами мавжудлиги боис, тенденциялар ва ўзаро алоқаларни осонгина аниқлаш мумкин	Бутун жамоанинг репрезентатив танламаси намунасини олиш қийин бўлиши мумкин
Илмий ёки объектив тадқиқот усули сифатидан тан олинади	Саволларнинг иқтирокчилар томонидан тушинилишини таъминлаш зарур
Сиёсатчилар ва ОАВ афзал кўрадиган рақамли натижалар ва умумлаштирилган маълумотларни тақдим этади	Жавоблар кўпинча соддалаштирилган ёки келтирилган вариантлар билан чекланган бўлиб, батафсил ва мураккаб жавобларни олиш учун яқка тартибдаги суҳбатлашув ёки фокус-гурӯх муҳокамаси каби усуллар комбинациясини талаб қилади.
Иштирокчиларга ўз номларининг ошкор этилмаслиги имконини беради; одамлар ўзларининг тажрибалари ва фикрларига нисбатан самимийроқ бўлишлари мумкин	Реал ҳаёт ва ёндашувлар ўзгариб туради, бу эса жавобларнинг аниқлигига ўз тарсирини ўтказиши мумкин.
Маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш кўпинча арзонроқ бўлади	Тадқиқот ўтказиш учун тегишли кўникмалар ва услубий материаллар бўлиши зарур.

***Ушбу жадвал Rutgers WPF-нинг “Ёшларни тадқиқотчилар сифатида тайёрлаш бўйича қўлланма”си 24 б. асосида тайёрланди. У билан танишиш учун қуйидаги манзилга ўтинг: <http://bit.ly/ManualforYoungResearchers>*

Агар сизнинг жамоангиз жамоа бошчилигидаги сўровномани ўтказиш тўғрисидаги қарорга келса, саволларнинг **асосий мавзуга қаратилганлигидан, тушунарли эканлигидан ва ҳамкорликда ишлаб чиқилганлигига ишонч ҳосил қилинг**. Сўровномалар жамоа бошчилигидаги тадқиқотларнинг мақсадларига қараб, турли мавзуларни қамраб олиши мумкин. Масалан, сиз баъзи саволларга «Ҳа» ёки «Йўқ» жавоблари қўйилиши, бериладиган жавобларни танлаш имконининг берилиши ёки шарҳлар учун бўш жой қолдириш тўғрисидаги қарорга келишингиз мумкин. Жавоблар шахсий тажрибаларга, ёки жамият қандай ривожланишга оид умид-хоҳишларга, агар улар мавжуд бўлса, асосланган бўлиши мумкин.

Шамол турбиналарининг қурилишига жой бўшатиш учун жамоа ўз уйларида маҳрум бўлишлари мумкинлигини тасаввур қилинг.



Жамоа бу лойиҳа тўғрисида қандай фикрда эканлигини билмоқчи бўлсангиз улардан нималарни сўраган бўлардингиз?

Ўз фикрларингизни шу ерда ёзинг:

.....

.....

.....

.....

.....

Қуйида келтирилган саволларга ўхшаш саволларга жавоб беринг:

1. Агар сиз кўчиб чиқишга мажбур бўлсангиз, бу сизнинг фарзандларингизга қандай таъсир кўрсатади?
2. Агар сиз кўчиб чиқишга мажбур бўлсангиз бу сизнинг иш фаолиятингиз ва тирикчилик воситаларингизга қандай таъсир ўтказади?
3. Агар сиз кўчиб чиқишга мажбур бўлсангиз, умумий фойдаланишдаги қайси манбалар ва жойлар (мактаблар, ибодатхоналар, дарёлар ва бошқалар каби)ни йўқотасиз?

Саволларнинг **аниқ, тартибли ва тушунарли** бўлишини таъминлаш учун тадқиқот гуруҳингиз билан биргаликда тадқиқот воситаси билан танишиб чиқинг. Тадқиқот гуруҳини аъзоларининг бир-бирларидан интервью олиш бўйича машқ қилишлари орқали ишончни мустаҳкамлашга чорланг. Тадқиқотни яқунлаш ва шунга мос равишда жамоа билан ўтказиладиган йиғилишлар ёки танишув сафарларини режалаштириш учун зарур бўлган вақтни чамаланг.

Ушбу модулнинг иловасида биз бутун дунё бўйлаб синовдан ўтган, жамоа фаоллари томонидан тузилган сўровнома намунасини келтирдик. Шунингдек, саволларнинг асосланганлигини тушунтириб берадиган ва турли ҳилдаги саволларни бериш усулларини таклиф қиладиган кўрсатма бор. Ушбу сўровнома намунасидан фойдаланинг ёки уни мослаштиринг ёки жамоангиз учун янги сўровнома тузинг!



МАШҒУЛОТ

ЎЗ ҚЎШНИЛАРИНГИЗНИ БИЛИНГ



Мақсад:

Сўровнома билан танишиш ва жамоа аъзоларидан қандай қилиб интервью олиш бўйича машқлар ўтказиш.



Вақт: 1 соат




Материаллар:

Ручкалар, ХМЛнинг сўровномаси намуналари (иловага киритилган)

КЎРСАТМАЛАР

- 1 Иштирокчилардан ўзларига шерик топишни сўранг ва ҳар бир жуфтликка сўровнома намунасининг нусхасини беринг. Намунавий сўров ёрдамида қўшниларингиз билан интервью ўтказмоқчи эканлигингизни тасаввур қилинг. Иштирокчилар ўз тажрибалари асосида жавоб беришга ҳаракат қилишлари кераклигини таъкидланг.
- 2 Ҳар бир жуфтликдан ўтириш ва машқни бошлаш учун қулай жой топишни сўранг. Сўровнома намунасида саволлар бериш, уларнинг жавобларини тинглаш ва уларни ёзиш орқали ҳар бир иштирокчи ўз шеригидан 20 дақиқа давомида интервью олиши кераклигини тушунтиринг.
- 3 10 дақиқадан сўнг, барчадан пауза қилишни ва жавобларни кўриб чиқишни сўранг. Сўхбатдошдан интервью олувчининг тушунтиришларини ёки изоҳларини тўғри ёзганлигини текширишни сўранг. Сиз гуруҳ билан бирор мисолни муҳокама қилишингиз ва сўров ўтказиш давомида батафсил ёзма қайдлар қилиб бориш муҳимлигини таъкидлаб ўтишингиз мумкин.



- 4** Яна 10 дақиқадан сўнг ролларни алмаштиринг – бундан олдин савол берган одам энди саволларга жавоб беради. Айни шу жараёни 1- ва 3- қадамларни такрорлаш билан давом эттиринг
- 5** Барча жуфтликлар бир-бирларинидан интервьюлар олиш имконига эга бўлганларидан кейин катта гуруҳга қайтинг ва ҳар бир жуфтликдан суҳбатлар қандай ўтганлиги ҳақида ўйлаб кўриб жавоб беришини сўранг. Қуйидагиларга ўхшаш саволларни беринг:
- Саволларга жавоб бераётганда ўзингизни қулай ҳис қилдингизми?
 - Саволлар беришда бирор қийинчилик бўлдими?
 - Интервьюни ўтказаётганда ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?
 - Интервью давомида суҳбатдошингиз ўзини қулай ҳис этиши учун нимлар қилдингиз?

- Интервью бераётганингизда ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?
- Маъноси мавҳум бўлган саволлар бўлдиими?

6 Иштирокчиларга бир-бирларининг интервьюлар ўтказиш усуллари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришга ва сўровга оид саволларни ўз жамоангиз шароитларига мос бўлишин таъминлаш учун уларни такомиллаштиришга ёрдам бериш бўйича тавсиялар беришни таклиф қилинг.

7 Ўзгартирилиши ёки аниқлаштирилиши керак бўлган муайян саволларни муҳокама қилиш учун 5 - 10 дақиқа вақт ажратинг ва сўровнома намунасида етишмаётган муҳим саволларни қўшинг.

Хулоса: Тадқиқотчилар яхши тингловчилар бўлиши керак. Респондентларнинг айтганларини тинглаб боринг. Ҳар бир саволни баланд овозда, аниқ қилинг ва шошмасдан ўқинг. Респондентингизга ўз фикрларини билдиришлари учун қанча вақт керак бўлса, беринг. Жавоб бераётганларида уларни тўхтатманг ва жавоблари устидан ҳукм чиқарманг. Уларнинг имо- ишораларини кузатиб боринг ва агар улар ҳаддан толиқиб қолишса, танаффус қилинг. Сухбатлашув баъзида стресс келтириб чиқариши мумкин!

Модератор изоҳи: Ушбу машқ сизнинг жамоангизга интервью бериш кўникмаларини амалда қўллашга ёрдам беради ва сўровнома ва саволлар услуби билан танишишга ёрдам беради. Иштирокчилар ҳар бир саволдан ўтиш учун етарлича вақтга эга бўлишлари муҳим, аммо агар вақтингиз чекланган бўлса, қатнашчилар бутун сўровномани дарҳол тўлдиришлари кераклигини ҳис этмасликлари учун машғулоти вазиятга мослаштиришингиз мумкин.

ЖАМОА БОШЧИЛИГИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР ТАЖРИБАСИ:

СУХГЕРЕЛ ҲИКОЯСИ

Салом, менинг исмим Сухгерел! Мен Мўғулистондаги кўчманчи жамоаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожланиш институтларининг инсон ва атроф-муҳит ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш билан шуғулланадиган ташкилотда ишлайман.

Сўнги бир неча йил ичида мен Мўғулистондаги Ою толгой ва Таян Нуур конлари томонидан кўчирилган кўчманчи чорвадор жамоалар билан иш олиб бормоқдаман. Биз маҳаллий ташкилот билан биргаликда одамларнинг конлар тўғрисида фикрларини билиш учун жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни ўтказдик ва ушбу маълумотларни лойиҳаларни молиялаштирувчи ривожланиш тузилмалари билан ўртоқладдик.

Тадқиқот мавзусини жамоаларнинг ўзлари аниқладилар. Жабрланган чорвадорлар жамоаси билан ўтириб, улар учун энг аҳамиятли бўлган



Сухгерел Дугерсурен - кўчманчи чорвадорларнинг яйловлари ва сувларини тортиб олган Гоби чўлидаги "Ою толгой" мис конини мониторинг қилиш билан машғул бўлган Мўғулистон ташкилоти OT Watchнинг ижрочи директоридир. Сухгерелнинг "Front Line Defenders" томонидан нашрга тайёрланаётган график романида келтирилган ҳикояси билан танишинг:

bit.ly/FrontLineSukhgerel

Сухгерел ХМЛнинг Global Advocacy Team ташаббусинингнинг бир қисмидир. Global Advocacy Team ривожланиш лойиҳаларини амалга оширишда бевосита тажрибага эга жамоа ташкилотчиларини бирлаштириб, жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар ўтказиш ва ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш усулларини ўзгартириш учун ўз жамоаларини сафарбар қилиш билан шуғулланади. Уларнинг

масалаларни аниқладик. Жамоалар аллақачон конларнинг очилиши туфайли ўз ерларини йўқотиб бўлишган. Шу боис муаммолар рўйхатида кўчириш ишлари билан товон пулининг тўланиши масаласи биринчи ўринда турар эди. Барча товон пулини олишни муносиб миқдорда тўлинишига розилик билдирди ва бу масала ҳимоя дастуримизнинг мақсадига айланди. Бироқ «муносиб» тушунчаси бу ўринда нимани англатиши борасида келишиб олиш учун мавзуни бироз муҳокама қилишга тўғри келди!

Бизнинг биринчи қадамимиз бутун жамоа учун инсон ҳуқуқлари ва тегишли халқаро стандартлар бўйича тренинглар ўтказиш бўлди. Шундан сўнг, бизнинг тадқиқот гуруҳимиз табиий равишда бирлашиб, жабрланган жамоалардан 5 та чорвадорни ўз ичига олди. Биз тадқиқот ишлари давомида кўрсатма бериш ва уларга конларнинг таъсири ва ривожланиш банкларининг сиёсати тўғрисида кўпроқ маълумот бериш орқали жамоани қўллаб-қувватладик. Сўровни ўтказишдан кўзланган мақсад ва ҳар бир саволнинг моҳиятини тушунтириб бердик. Биз сўровноманинг умумий намунасидадан фойдаланганлигимиз

хисоботлари билан мана бу ерда танишишингиз мумкин: bit.ly/IAP_GAT

Сухгерел ўз тадқиқотлари давомида қўлланган сўровнома Global Advocacy Team томонидан тузилган сўровнома Иловада келтирилган.



Мўғулистон

« *Биз одамларнинг конлар тўғрисида фикрларини билиш учун жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни ўтказдик.*

« *Бизнинг биринчи қадамимиз бутун жамоа учун инсон ҳуқуқлари ва тегишли халқаро стандартлар бўйича тренинглар ўтказиш бўлди.*

сабабли, қўшимча тушунтиришлар бериш зарурати ёки мўғулларнинг шароитларига мос келадиган мослаштиришни талаб қиладиган саволлар юзага келди.

Биз қўчманчи жамоалар билан иш олиб борганлигимиз сабабли, бутун жамоани бир жойга тўплаш қийин эди. Бунинг ўрнига тадқиқотчиларимиз уйма-уй юриб, турли оилалар билан суҳбатлар ўтказишди. Биз босиб ўтишимиз керак бўлган масофалар жуда катта бўлган - Гоби минтақасида чўпонлар оилалари орасидаги энг яқин масофа 5 км бўлиши мумкин! Шунингдек, биз вилоят губернаторидан йиғилиш ташкил этишини сўрадик, унда биз 20 та уй хўжалиги орасида сўров ўтказишимиз мумкин эди. Шунингдек, биз маҳаллий маъмурият ходимларидан, уларнинг жавоблари жамоалар берган маълумотларга нисбатан қанчалик бошқача эканлигини билиш мақсадида интервью олишга қарор қилдик. Ҳаммаси бўлиб биз 100 кишини сўровга жалб қилдик.

Тадқиқотни ўтказаятганда биз ҳар бир саволни баланд овозда ўқидик, унинг маъносини тушунтирдик ва оилалар ўз жавобларини тўлдиришларини кутиб турдик. Одамларни бир хонада тўплаш – жамоанинг имкон қадар кўпроқ аъзоларига муурожаат қилишнинг осон усули эди, аммо биз бундай шароитда иштирокчилар тинглаш ва гуруҳ фикрига қўшилишга мойил бўлиб қолаётганларини аниқладик. Уйма-уй юриб сўров ўтказиш натижасида олган жавобларимиз, шахсий фикрларни яхшироқ акс эттиришга ёрдам берган эди.



Олинган маълумотларни таржима қилиш ва таҳлил қилишга бизга инглиз тилини биладиган талабаларнинг кўнгилли гуруҳлари ёрдам беришди. Таржима жараёнида биз айрим муҳим тавсияларни аниқлашга муваффақ бўлдик. Бизга тадқиқот натижаларини жамоага етказиш учун маблағ берилди, ammo масофа катта бўлганлиги сабабли, сўровда қатнашганларнинг барчасига етиб бориш қийин эди.

Жамоа бошчилигида ўтказилган тадқиқот жараёни жамоани лойиҳа ва уларнинг ҳуқуқлари тўғрисида хабардор қилишга ва уларнинг устувор йўналишлари тўғрисида келишувга эришишга ёрдам берди. Бугунги кунда ушбу жабрланган жамоалар аъзолари шу каби муаммоларга дуч келган бошқа жамоалар билан ўз билимларини баҳам кўришмоқда. Сўровнома натижалари билан ҳали лойиҳалар таъсирига тушмаган жамоалар билан бўлишиш, шунингдек, уларнинг лойиҳани ишлаб чиқувчилар билан суҳбатлашганда қандай масалалар ва саволларни кўтариш кераклигини билишларига ишонч ҳосил қилиш учун жуда фойдали бўлди. Сўровнома одамларга ушбу масалалар ва ривожланиш улар учун нимани англатишини ўйлаб кўришга ёрдам берадиган муҳим воситага айланди.



Муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Тадқиқот гуруҳига қимлар қўшилди ва гуруҳ қандай қилиб шаклланди?
2. Сухгерел ва унинг гуруҳи маълумотларни йиғиш учун қандай услублардан фойдаландилар?
3. Сухгерел ва унинг етакчилигидаги гуруҳ ўз тадқиқотларини олиб боришда жамоа аъзолари билан боғланиш учун узоқ масофаларга сафарлар билан боғлиқ қийинчиликларни енгишлари керак эди. Тадқиқотни олиб борганда логистика билан боғлиқ бўлган қандай қийинчиликларга дуч келишингиз эҳтимоли бор ва уларни қандай ҳал қилмоқчисиз?

ЖАМОАНГИЗНИ ЎҚИТИНГ

Энди сизнинг гуруҳингиз сўров ўтказиш ва сўровномадан фойдаланиш бўйича тажриба орттирганидан кейин, эркин мунозаралар ўтказиш орқали гуруҳингиз аъзолари тадқиқотда иштирок этадиган жамоа аъзолари ва жамоадан ташқаридаги иттифоқчилар билан ўзларини қандай тутишлари кераклиги тўғрисидаги айрим “асосий қоидалар” ёки кўрсатмаларни ишлаб чиқинг. Ушбу эркин мунозараларни қуйидагича бошлаш ҳақида ўйлаб кўринг:

- Гуруҳ аъзоларидан ўйлаб кўришни ва ўзларининг яхши интервьюлари билан боғлиқ бўлган тажрибалари ҳақида ўртоқлашишни сўранг ва ушбу мунозарани фойдали қилган нарсани муҳокама қилинг.
- Гуруҳ аъзоларидан ўйлаб кўришни ва ўзларининг энг ёмон чиққан суҳбатлари билан боғлиқ бўлган тажрибалари ҳақида ўртоқлашишни сўранг ва ушбу мунозарани бефойда қилган нарсани муҳокама қилинг.
- Гуруҳнинг ҳар бир аъзосидан ўтказган суҳбатлар билан боғлиқ бўлган тажрибаларнинг ҳар сафар яхши чиқишига эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишлари учун улар уддалай оладиган бирор нарсани таклиф қилишни сўранг.
- Жамоанинг ҳар бир аъзосидан суҳбат давомида қийин вазиятларнинг олдини олиш ёки ҳал қилиш учун улар уддалай оладиган битта нарсани таклиф қилишни сўранг, масалан, иштирокчи ҳиссиётларга жуда берилиб кетса ёки суҳбат расмийлар томонидан тўхтатиб қўйилса.

Сизнинг лойиҳангиз қатнашчиларга қандай таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Юқоридаги саволларга жавобларни ёзиб олинг ва барчадан ҳар бир таклифга рози эканликлари ёки унга қўшилмасликлари тўғрисида сўранг. Бу сизнинг бош кўрсатмаларингизнинг бошланишидир. Сиз кўриб чиқишингиз мумкин бўлган айрим асосий қоидаларга доир мисоллар қуйида келтирилган:

- Ўзингизни тўғри таништиринг ва тадқиқот мақсадини аниқ ва рўй-рост тушунтиринг.

- Агар кимдир сиздан ёрдам ёки маслаҳат сўраса ва сиз ўзингиз буни қила олмасангиз, ҳамкасбингизга ёки мутахассисга мурожаат қилинг.
- Иштирокчининг жавобини тушунганингизга амин бўлмасангиз, тушунтириб беришни сўранг.
- Иштирокчи исталган вақтда тадқиқотдан воз кечиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиринг.
- Тадқиқот гуруҳи томонидан барча иштирокчиларнинг шахсини ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига олишини таъминланг. Тадқиқот гуруҳидан ташқарида ҳеч ким уларнинг шахсий жавоблари билан таниша олмаслиги керак.
- Тадқиқотга жалб қилишдан олдин жамоа аъзоларининг розилиklarини олинг ва улар тақдим этган маълумотларнинг сир сақланишини маълум қилинг.
- Одамларнинг шахсий ҳаётини ҳурмат қилинг.
- Фаол бўлинг ва диққат билан тингланг.
- Имо-ишоралар ва новербал жавобларга эътибор беринг. Улар ҳам сўзлар каби беандиша бўлишлари мумкин.
- Сўровномалар ва маълумотлар хавфсизлигини ва сир сақланишини таъминланг.

Эсингизда бўлсин, мақсад иштирокчилар билан келишишда эмас, балки уларнинг тадқиқот мавзуси ҳақидаги фикрлари ва ғояларини чуқурроқ англашдан иборатдир.



Сценарийлар:

Гуруҳингизга қуйидаги сценарийни ўқиб беринг ва уни гуруҳда муҳокама қилинг:

«Сиз ўз жамоангиз аъзолари билан сўров ўтказадиган тадқиқот гуруҳисиз. Сухбат давомида иштирокчиларидан бири куни кеча оила аъзоси иштирокида можарога ишора қилади. Сиз бетараф қолиш учун қўлингиздан келганича ҳаракат қиляпсиз, аммо сухбат эмоционал жиҳатдан тобора жиддий тус ола бошлайди ва иштирокчи бу борада изоҳ беради, сиз эса, иштирокчи низони нотўғри акс эттиряпти, деган ҳулосага келасиз. Шунда сиз қандай йўл тутасиз?»




Мунозара учун саволлар:

1. Бундай вазиятга муносабат кўрсатиш учун нима қилган бўлардингиз?
2. Тадқиқот гуруҳи илгари ушбу муаммога дуч келганми?
3. Муаммоларга жавоб бериш ёки тан олиш учун жамоа нима қилиши мумкин?

***Access Alliance томонидан тайёрланган “Жамоага асосланган тадқиқот воситалари” материалидаги “Жамоа бошчилигидаги тадқиқот фаолиятида ахлоқ муаммолари”дан олиб мослаштирилган. Қўшимча маълумот учун http://bit.ly/CBR_Toolkit. 132-136 б.лар.*

МУЛОҚОТ СОҲАСИДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲИМОЯ



Маълумот йиғишни бошлашдан олдин, хавфсизликка оид режангизда мулоқот давомида юзага келиши мумкин бўлган хавфсизлик билан боғлиқ потенциал муаммолари ҳисобга олинган ёки олинмаганига ва барча маълумотларнинг сир сақланилаётганига ишонч ҳосил қилинг.



Тадқиқот гуруҳингиз ва ўз респондентларингизнинг шахсларларига оид маълумотларнинг ҳимоясини таъминлаш учун чоралар кўринг. Тадқиқот гуруҳи ва унда иштирок этувчилар жамоа бошчилигидаги тадқиқотларда ўйнаётган роллари муносабати билан мақсадли гуруҳ сифатида танланишлари мумкин. Бундай вазиятларда шахсий маълумотлар махфийлигини сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, битта жамоада расмийлар келиб: “Бу жамоада тадқиқотлар ва кампаниянинг етакчиси ким?” - деб сўрашди. Жамоа аъзолари аниқ бир исм айтмадилар ва ўша воқеадан кейин қишлоқнинг ҳар бир аъзосини «етакчи» деб атай бошлашган.

Хавфсизлик чораларидан бири - бу сизнинг жамоангиз аъзолари ўртасидаги алоқаларни таъминлашдир. Сиз буни электрон почта орқали махфий маълумотлар алмашинуvidан воз кечиш ва телефон ёрдамида алоқа қилганда Сигнал каби шифрланган хабарлар хизматларидан фойдаланиш орқали қилишингиз мумкин.

Рақамли хавфсизлик тўғрисида кўпроқ фойдали маълумотлар ва маслаҳатлар олиш учун “Қутидаги хавфсизлик” бўлимига қаранг: <http://bit.ly/SecurityInABox>

МАЪЛУМОТ ТЎПЛАНГ

Бу босқичга келиб сизнинг жамоангиз билимга эга ва сизга зарур бўлган тадқиқот воситалари ишлаб чиқилган! Зарур маълумотларни йиғиш ва тадқиқотлар ўтказиш фурсати келди!

Иштирокчиларни аниқлашга ёрдам бериш учун жамоат ташкилотларида фаол бўлган ва жамоадаги кўплаб одамларни танийдиган **инсонларга муурожаат қилинг**. Тадқиқот гуруҳи жамоатчилик суҳбатларида мунтазам равишда кам жалб этилаётган ёки этиборсиз қолдирилаётган одамларни суҳбатларга қай тарзда жалб қилишини аниқланг. Жамоангиз доирасида қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- Биз сўровни кимлар орасида ўтказмоқчимиз? Маълумотларнинг жамоани намоён этган гуруҳдан йиғилишини қандай қилиб таъминлаймиз?
- Улар қилган танловларнинг сабаблари нимада?
- Биз неча киши билан суҳбатлашмоқчимиз?
- Аъзоларимизга чиқиш ёки улар билан боғланишда қандай потенциал муаммоларга дуч келишимиз мумкин? Уларни қандай ҳал қиламиз?

Тадқиқот жараёнига бутун жамоани жалб қилишнинг иложи бўлмаслиги мумкин. **Нуқтаи назарларнинг репрезентатив танламасини** тўплаш учун камида 100 киши билан тадқиқот жараёнини ўтказишни мақсад қилиб қўйинг. Намуна мақсадли жамоаларнинг турли гуруҳларини қамраб олиши керак.




Масалан, агар сиз 5 та қишлоқда 100 та сўров ўтказмоқчи бўлсангиз, тадқиқот гуруҳи битта ёки иккитаси билан эмас, балки ҳар бир қишлоқдан келган одамлар билан суҳбатлашиши керак. Агар баъзи одамлар жамоа бошчилигидаги тадқиқотларда қатнашмасликка қарор қилсалар, тадқиқот гуруҳи уларнинг кимлигини билишига ишонч ҳосил қилинг.

Кимлар билан суҳбат ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганингиздан сўнг, тадқиқот жараёнингизни ташкиллаштиринг ва режалаштиринг. Қуйидагиларни кўриб чиқинг:

- Иштирокчилар билан суҳбатлашиш учун қанча вақт кетишини белгилаб қўйинг.
- Сўровнома намунасидан нусхаларини олинг ва уларни кузатиб бориш қулай бўлиши учун уларни рақамлаб чиқинг.
- Иштирокчилар билан суҳбат ўтказмоқчи бўлганингизда, уларни олдиндан огоҳлантиринг.
- Тадқиқотингизни кўпчилик иштирокчилар учун хавфсиз ва қулай бўлган вақтда ва жойда бажаринг. Жамоа ҳаёти, мавсумий цикллари ва маданиятини албатта ҳисобга олинг. Масалан, ёзда жамоанинг кўпчилик аъзолари кундузи далада ишлайди, шунинг учун сиз тадқиқотларингизни кечқурун ўтказишингиз мумкин.

Тадқиқот иштирокчиси билан сўхбатни бошлашда, улар тадқиқот мавзуси тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари учун маълумот алмашишга тайёр бўлинг. Сизнинг кириш сўзингиз қуйидагича кўринишга эга бўлиши мумкин:



- Иштирокчига ким эканлигингизни, қайси жамоадан эканлигингизни ёки қайси ташкилотдан эканлигингизни айтинг.
- Тадқиқот мақсади - тадқиқот нима ҳақида ва нима учун ўтказилаётганлигини тушунтиринг.
- Улар берган маълумотлардан қандай фойдаланишни тушунтириб беринг.
- Улар аноним қолиш ва махфийликни сақлаш ҳуқуқига эга эканликларини ва тадқиқот жараёнида исталган пайтда ўз иштирокларини қайтариб олишлари мумкинлигини тушунтиринг.
- Ишни бошлашингиздан олдин иштирокчига бирор-бир саволингиз бўлса, сўранг. Тадқиқотда қатнашишни хоҳлашлари ёки хоҳламасликларини сўранг. Бунга "онгли розилик" сўраш дейилади.

Жамоада ҳамма ҳам ўқиш ёки ёзишни билмаслиги мумкин, шунинг учун маълумот тўплашнинг бир неча усулларини кўриб чиқинг.



Тадқиқот гуруҳи саволларни якка тартибда муҳокама қилиши ва индивидуал жавоблар ва шарҳларини ёзиб олиши мумкин ёки сиз иштирокчиларни 10 кишидан кам бўлган кичик гуруҳларга тўплашингиз ва тадқиқот гуруҳидан гуруҳга муҳокама саволлар бериш ва ёзиб жавобларни муҳокама қилиш ва ёзиб олишни сўрашингиз мумкин. Жавобларни ёзиб олаётганда, иштирокчилар томонидан танланган жавобни ҳам, уларнинг жавоблари ҳақида батафсил маълумот берадиган ҳар қандай иқтибосларни ҳам ёзиб олиш муҳим. Бу маълумотларни таҳлил қилаётган тенденцияларни тушунишга ёрдам беради.

Сўровлар ўтказилаётганда тадқиқот гуруҳи аъзолари бир вақтнинг ўзида битта савол беришлари керак. Эсингизда бўлсин, сўровнома жараёни - бу маълумот алмашишдир, шунинг учун диққат билан тингланг, ҳеч кимнинг жавобини узманг ёки изоҳламанг ва ҳар бир саволга жавоб бериш учун иштирокчиларга етарли вақт беринг. Баъзида одамлар кўнгилни ҳира қилувчи воқеаларни эслаб, ҳиссиётларга берилиб кетишлари мумкин.

Хайрихоҳ ва сабрли бўлинг. Ушбу тавсиялар одамларни ўзларини очиқ тутишга ва ўз воқеаларини айтиб беришга ундайди.



ДИҚҚАТ:

МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЎПЛАШ ЖАРАЁНИДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲИМОЯ

Тадқиқот гуруҳингиз ва иштирокчиларни ҳимоя қилишга ёрдам бериш учун фотосуратлар, видеолар ва иқтибослардан қандай фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги қоидаларни белгиланг ва ушбу маълумотлардан фойдаланишдан олдин рухсат сўранг. Хавфсизликнинг бошқа тамойиллари ўз ичига қуйидагиларни олади:



- Тадқиқотларингизни эҳтиёткорлик билан ўтказинг
 - ➔ Вазият жуда нозик бўлган жойларда, агар сиз ўша қишлоқда яшамасангиз, ҳар куни бошқа жойда тунашни режалаштиринг. Жамоанинг бошқа аъзолари билан бир хил кийининг.
 - ➔ Сўровнинг қоғоз кўринишидаги нусхаларини олиб юриш расмийларда шубҳа уйғотиши мумкин. Тадқиқотингизни ўтказиш учун ҳар куни уяли телефонлар каби электрон қурилмалардан фойдаланишни ўйлаб кўринг. Масалан, сиз телефонингизда сўровномани суратга олишингиз, ундан саволларни ўқишингиз, сўнгра ёзма равишда ёзиб олишингиз ва кейин маълумотларни онлайн тарзда узатишингиз мумкин.
- Тўплаган маълумотларингизнинг хавфсизлигини таъминланг
 - ➔ Маълумотларнинг барча нусхаларини қўлфлаб сақланг.
 - ➔ Респондентларнинг шахсларига оид маълумотларни сўров натижаларидан алоҳида сақланг.
 - ➔ Маълумотларга фақат хавфсиз парол ёрдамида кириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилинг.

ОЛГАН НАТИЖАЛАРИНГИЗНИ АНГЛАШ, ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА УЛАР БИЛАН ЎРТОҚЛАШИШ

Олган натижаларингизни тартибга солинг	56
Машғулот: ҳисоблаш учун компьютерлар кимларга керак?	57
Диққат: жамоани ҳар томонлама жалб қилинг	60
Олган натижаларингизни таҳлил қилинг	61
Олинган натижалар билан ўртоқлашинг	65
Машғулот: ўзингизни уларнинг ўрнига қўйиб кўринг	66
Биргаликда ҳаракат қилинг!	70
Жамоа бошчилигидаги тадқиқотларга оид тажрибалар: Элиаснинг ҳикояси	71

Шундай қилиб, сиз ўз тадқиқот гуруҳингизни туздингиз ва ўқитдингиз, жамоа аъзолари билан суҳбатлашдингиз ва маълумотларингизни йиғдингиз. **Табриклаймиз!** Энди сиз жамоа бошчилигидаги тадқиқот натижаларига эгасиз.

Кейинчи, кейин нима?

Жамиятнинг фикрлари ва ғояларини тушуниш, сўнгра уларни мақсадли аудиториянгиз билан баҳам кўриш баъзан оғир вазифа бўлиб туюлиши мумкин. Тажрибаларимизга таяниб, ушбу жараёнда сизга кўрсатма беришга ёрдам берадиган бир нечта ғоя ва таклифларни тўпладик.

ОЛГАН НАТИЖАЛАРИНГИЗНИ ТАРТИБГА СОЛИНГ

Тадқиқотни ташкиллаштириш тадқиқот гуруҳига, ҳамкорларга ва жамоат аъзоларига натижаларни таҳлил қилишга ёрдам беради. Тадқиқотни ташкил қилиш учун сиз ўрнатган тизим жамоа аъзоларининг шахсини эҳтиёткорлик билан ҳимоя қилишига ишонч ҳосил қилинг.

SurveyMonkey, Google Forms, ёки KoBo Toolbox каби дастурлар сўровларда олинган

маълумотларини автоматик равишда таҳлил қилади, аммо улар Интернетга уланишни талаб қилади ва бундай дастурлар жамоанинг маҳаллий тилига мослаштирилмаган бўлиши мумкин. Улардан баъзилари ҳақ олишлари ҳам мумкин.

Агар сиз ушбу дастурий

таъминотга кириш имкониятига эга бўлмасангиз, тадқиқот гуруҳи маълумотларни қўлда ҳисоблаши ва текширишингиз мумкин.



Барча маълумотлар йиғилгандан сўнг, сиз ўзингизнинг тадқиқот гуруҳингиз билан биргаликда натижаларни текширишни ва таҳлил қилишни хоҳлайсиз. Асосий тенденциялар ва қонуниятларни қидириб топинг ва тадқиқот саволига оид умумий ғояларни тушунишга интилинг. Маълумотларни таҳлил қилиш тажрибасига эга бўлган ҳамкор бу ўринда фойдали бўлиши мумкин!



ҲИСОБЛАШ УЧУН КОМПЬЮТЕРЛАР КИМЛАРГА КЕРАК?



Мақсадлар:

тадқиқот гуруҳини қўлда тўпланган маълумотларни дастурий таъминотдан фойдаланмасдан таҳлил қилишга ўргатиш



Вақт: 1 - 2 соат



Материаллар:

Тўлдирилган сўровномалар, флипчарт, маркерлар, ёпишқоқ қоғозлар ёки қоғоз парчаларининг нусхалари.



КЎРСАТМАЛАР

- 1 Ҳар бир сўровномадан нусха олинг ва уларни рақамлаб чиқинг, агар сиз маълумотлар йиғиш пайтида буни амалга оширмаган бўлсангиз. Иштирокчиларни ҳимоя қилиш учун уларнинг асл нусхалари хавфсиз ва ҳимояланган жойда сақланишига ишонч ҳосил қилинг.
- 2 Тўлдирилган сўровномаларнинг барча нусхаларини тўпланг ва уларни рақамларига қараб тартибга солинг. Натижаларни таҳлил қилишда ёрдам берадиган одамлар сонига қараб, уларни гуруҳларга ажратинг ва ушбу нусхаларни гуруҳлар ичида тарқатинг. Маълумотлар тўпламини текширишда ёрдам бериш учун, гуруҳ аъзолари айнан ўзлари ўтказган сўровномаларини кўриб чиқмаётганликларига ишонч ҳосил қилинг.



- 3 Ҳар бир саволга жавобларни ҳисоблашда натижаларни ёзиб олиш қулай бўлиши учун деворга флипчартни осиб қўйинг. Ҳар бир савол учун савол рақамини ва берилган жавоб вариантларини ёзинг. Агар сизда маблағ етарли бўлса, жавобларни ёзиб олиш учун ҳар бир сўровномани алоҳида вараққа босиб чиқариш ҳақида ўйлаб кўринг.

- 4 Ҳар бир гуруҳдан сўровномадаги ҳар бир савол учун мавжуд бўлган ҳар бир жавоб вариантыга берилган жавоблар сонини ҳисоблаб чиқишни сўранг. Флипчарт ёки қоғозда ушбу рақамларни тегишли жавобнинг ёнида белгилаб қўйинг. Масалан:

**Ўзингизни қандай таърифлаган бўлардингиз?
Илтимос, сизга дохил бўлганларнинг барчасини
текширинг.**

- Мен маҳаллий жамоага мансубман **20+10+20=50**
- Мен диний ёки этник озчиликка мансубман
0+10+5=15
- Мен бошқа вилоят, штат ёки шаҳардан келган
мингрантман
- Мен камситилаётган гуруҳ ёки синф аъзосиман
3+10+5 = 38

Изоҳлар:

- 5 Жавоб вариантлари бўлмаган саволлар бўлса, бунинг ўрнига изоҳ беришни сўранг, турли мавзулар ёки турли хилдаги жавобларни алоҳида жавоб сифатида ёзиб олинг.
- 6 Ҳар бир вариант учун жавоблар сонини ёзиб бўлгандан сўнг, гуруҳингиздан шарҳлар катагига ёзилган шарҳларни диққат билан кўриб чиқишни сўранг. Муайян тафсилотлар келтирилган шарҳларни остига чизик тортиб белгиланг. Бунга нима, ким, қандай, қачон содир бўлганлигига оид маълумотлар, муаммо ёки лойиҳа билан бевосита боғлиқ бўлган сўровлар, тавсиялар, илтимослар ёки фикрлар ҳақида маълумот кириши мумкин. Ушбу шарҳларни флипчартда белгилаб қўйинг.
- 7 Сўровдаги ҳар бир савол учун 6- ва 7- қадамларни такрорланг.
- 8 Олинган натижаларни алоҳида вараққа ёзиб қўйинг. Сиз улардан кейинги таҳлилларингизда фойдаланасиз.



ДИҚҚАТ:

ЖАМОАНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЖАЛБ ҚИЛИНГ



Тадқиқот гуруҳи учун мунтазам равишда ва тадқиқотни ўтказиш жараёнида жамоани янгилаш ва кенгроқ жалб қилиш жуда муҳим, шунда бу том маънодаги жамоавий ҳаракат бўлади. Фаолият тўғрисида хабардор қилиш жараёни, шунингдек, жамоа таҳлил қилиш ва таклифлар киритиш учун йиғилиши керак бўлган вақтни белгиланг.


1. Жараён бошида тадқиқот гуруҳининг режалари ва мақсадлари тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоа доираси ўртоқлашинг ва мувофиқлаштиринг.
2. Тадқиқот жараёни бошлаш учун тайёр бўлганида, тадқиқотнинг қандай қилиб ўтказилишига оид маълумотлар билан ўртоқлашинг.
3. Натижаларга оид якуний тўхтамга келишдан ёки эълон қилишдан олдин дастлабки натижаларни жамоанинг кенг доирасида таҳлил қилинг.
4. Жамоадан натижаларни текшириш ва таҳлил қилишни, шунингдек, уларнинг мақсадлари ёки кампанияси учун энг муҳим бўлган тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилаб беришни сўранг.

ОЛГАН НАТИЖАЛАРИНГИЗНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНГ

Маълумотлар нималар ҳақида гапираётганини – жамоа нималар ҳақида гапираётганини тушунишнинг бир неча усули бор. Ишни бошлашнинг энг осон йўли – бу ҳар бир саволни кўриб чиқиш, ҳар бир саволга жавобни танлаган одамлар сонини ҳисоблаб чиқиш ва ҳар бир ўхшаш фикр ва ғояни ёзиб қўйишдир.

Фоизларни қандай ҳисобласа бўлади?

Фоиз - бу рақамни бутуннинг бир қисми сифатида ифодалаш усулидир. Фоизлар тадқиқот саволига жамоа аъзоларининг қанчаси бир хил тарзда жавоб берганини тушунишни осонлаштиради. Масалан, 300 кишидан 240 нафари лойиҳани ким молиялаштираётганини билмайман, деб айтиш ўрнига, сиз 80 фоиз одам лойиҳани ким молиялаштираётганини билмайди, дейишингиз мумкин. Ушбу рақамларни фоизга айлантириш, шунингдек, таҳлил қилиш жараёнида тенденцияларни осонроқ аниқлашга ёрдам беради.



Фоизни ҳисоблаш учун биз бутунни 100% га тенг деб қараймиз. Масалан, агар сизнинг тадқиқотларингизда 300 киши қатнашган бўлса, сўралганларнинг 100% барча 300 кишига тегишли бўлар эди. Ушбу мисолда, агар саволга 150 киши «ха» деб жавоб берган бўлса,

демак сизда 300 кишидан 150 нафари бор. Буни фоизга айлантириш учун 150 ни 300 га бўлинг. Агар сиз буни ҳисобласангиз, бутуннинг ярми ёки 50% и ижобий жавоб берганини ва яна 50% бошқача жавоб берганини билиб оласиз.

Ҳамма жавоб беролмайдиган саволлар бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда жавобни саволларга жавоб берган одамларнинг умумий сонига бўлинг. Ушбу усул ёрдамида сизнинг жавобингиз жавоб берганлар улушини акс эттиради.

Қуйидаги саволларга жавоб бериш орқали машқ қилишингиз мумкин:

Сиз жами 200 та сўровномаларни тўпладингиз. Қуйида **“Сизнинг турмушингиз сифати ўзгарадими ёки лойиҳани амалга ошириш натижасида у аллақачон ўзгариб қолганми?”**, деган саволга берилган жавоблар келтирилган. Илтимос, ҳар бир жавобни танлаган иштирокчилар фоизини ҳисобланг ва киритиб қўйинг.

Жавоб	# Ушбу саволни танлаган одамлар сони	Фоиз (%)?
1) Менинг турмушим сифати яхшиланди	40 киши	
2) Менинг турмушим сифати ёмонлашди	135 киши	
3) Турмуш сифатимда ўзгариш бўлмади	25 киши	

Жавоблар:



- 1) 20%
- 2) 67.5%
- 3) 12.5%

Энди сиз фоизларни ҳисоблашни билиб олганингиздан кейин, олган маълумотларингизни тушуниш учун уларни қўллашнинг бир неча усулини кўрсатиб ўтамыз:

- **Жамоа аъзолари ҳар бир саволга қандай жавоб беришди? Сиз ҳар бир саволга жамоа аъзолари томонидан берилган турли жавобларни ўрганишдан бошлашингиз мумкин. Бир ҳил жавоб берган одамларнинг фоизларини ҳисобланг. Уларнинг жавоблари сизга нималарни айтиб беради?** Улар савол ҳақида қандай фикрда? Уларнинг жавобларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу савол жамоанинг лойиҳа ёки тадқиқот мавзуси тўғрисидаги умумий фикрига қай даражада мос келади?
- **Жавобларни кўриб чиқаркансиз, бирор жиддий тенденция кузатилаётганлигини пайқаяпсизми?** Жавобларда умумий мавзулар борлигини кўрапсизми?



Уларни жумлалар кўринишида ёзиб олишга ҳаракат қилинг. Масалан қуйидагича:

- Сўровномада иштирок этганларнинг 49% и лойиҳанинг олдиндан режалаштирилган кўринишига рози бўлди, айти пайтда бошқа иштирокчилар лойиҳага ўзгартириш киритиш ёки умуман тўхтатиш истагини билдиришган. Бунга рози бўлмаганлар, муқобил имкон берилмаганлиги сабабли, ўз ерларидан кўчиб ўтишдан бошқа иложлари йўқлигини ҳис қилишган.
- Жамоа аъзоларининг аксарияти кўчириш жараёнини тўғрисида ҳеч нарса билишмайди ва улар ўз ҳуқуқлари ҳақида хабардор қилинмаган.

Сиз ёзиб олган жумлаларингиз жамоа томонидан айтилганларни акс эттиради деб ўйлайсизми?

• **Тадқиқотларингиз натижаларидан қайсиларини уларнинг мақсадлари учун муҳим деб ҳисоблайсиз?**

Тадқиқот гуруҳи билан бирга муҳим натижаларингизни аниқланг. Масалан:

- 90 % ҳолатларда ҳеч қайси ҳокимият органи жамоанинг ривожланиш устуворликлари тўғрисида маслаҳатлашмаган.
- Жамоа аъзоларининг 62,35% и ушбу лойиҳада иштирок этган молиячилар ва инвесторлар фойда кўради, деб ўйлашади.
- Жамоа аъзоларининг 6,87% и лойиҳа уларга фойда келтиришига ишонишади.

Фоиз кўрсаткичлари ва бошқа турдаги рақамли маълумотлардан ташқари, **одамларнинг ҳикоялари** ва шарҳларига **этибор қаратинг**. Мисол учун, эҳтимол сиз одамлар мажбуран кўчирилган жамоада кўпчилик жисмоний зўравонлик ҳақидаги ҳикояларни айтиб берганларини аниқлашингиз мумкин. Алоҳида ҳикояларни иқтибослар келтириш орқали айтиб бериш, рақамли маълумотларнинг ортида турган одамларни очиб беради ва тадқиқотни янада ишончли ва мазмунли қилиши мумкин. Иштирокчилар ҳақидаги маълумотларни доимо ҳимоя қилишингиз керак бўлса-да, баъзилар ўзларининг ҳикоялари оммага ошкор бўлишини хоҳлашлари мумкин. Ҳикояларни омма олдида айтиб беришдан олдин уларнинг розилигини олишни унутманг.

Олинган натижаларни таҳлил қилганингиздан сўнг, **жамоага қайтиб боринг** ва тадқиқот гуруҳингиз аниқлаган натижалар билан ўртоқлашинг. Тадқиқот натижаларининг биринчи қораламасини (ва эҳтимол, иккинчи ва учинчи қораламасини) тайёрланг ва жамоатчилик билан баҳам кўринг. Уларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишиб чиқинг, жамоа йиғилиши пайтида нималарга устувор аҳамият бериши кераклиги тўғрисида сўранг. Улардан: «Бу сизнинг фикрингизми? Бу сизнинг тадқиқотингизми? Ушбу таҳлил сизнинг ғояларингиз, фикрларингиз ва устуворликларингиз

ҳақиқатини акс этадими?» - деб сўранг. Натижаларнинг турли форматлари керак бўлиши мумкин. Масалан, агар якуний маҳсулот ҳисобот бўлса, жамоада ҳамма ҳам ўқишни билмаса, ҳисоботдаги асосий ғояларни баҳам кўриш учун фотосуратли тақдимотини яратинг.



Агар бу хавфсиз бўлса, тадқиқот жараёни бошида ҳамкорлар, таъсир ўтказиш кучига эга бўлганлар ва қарор қабул қилувчилардан фикр-мулоҳазаларини сўрашни ўйлаб кўринг. Агар бу фойдали бўлса, йиғилиш кунини олдиндан белгиланг ва уларни эълон қилишдан олдин **тадқиқот** ва дастлабки тавсияларни **кўриб чиқишни** сўранг. Бироқ, уларнинг мулоҳазалари жамоалар томонидан тавсия этилган устувор йўналишларни ўзгартириб юбормаслиги керак.

Жамоа натижаларни текширгандан сўнг ва барча маълумотлар олинганидан сўнг, тадқиқот ва тавсияларни якунланг. Энди топилмаларингиз билан ўртоқлашиш вақти келди!

ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР БИЛАН ЎРТОҚЛАШИНГ

Жамоа ўтказган тадқиқотлари натижалари уз фикрларини аниқ ифодалайди, деган қарорга келганидан сўнг, бу ҳақида мақсадли аудиториянгни бохабар қилиш фурсати келди! Сизнинг асосий аудиториянгни ким эканлиги ҳақида яна бир бор ўйлаб кўринг. Ўзингизга, бирор нимани ўзгартириш учун **жамоанинг овозини** ким **эшитиши** керак, деган саволни беринг. Улар учун тадқиқот натижалари ва тавсияларни олиш ва уларга амал қилган ҳолда фаолият юритишнинг яхши усули қандай?



МАШҒУЛОТ

ЎЗИНГИЗНИ УЛАРНИНГ ЎРНИГА ҚЎЙИБ КЎРИНГ



Мақсадлар:

Тадқиқот учун асосий аудиторияни, унинг мавқеи ва қизиқишларини аниқлаш ва тушуниш.



Вақт: 45 дақиқа - 1 соат



Материаллар:

кичик карталар, маркерлар, тасма

КЎРСАТМАЛАР

- 1 Тадқиқот гуруҳингизнинг барча аъзоларини йиғинг. Сиз олдинроқ чизган ва аввалги машғулотдан сақлаб қолинган ҳамкорлар ва таъсир ўтказиш кучига эга бўлганлар харитасини қайта кўриб чиқинг.
- 2 Сиз олдинроқ аниқлаган таъсир ўтказиш кучига эга бўлганларнинг ҳар бирининг номини карточкага ёки кичик қоғозга ёзинг. Жамоангиздан давра бўлиб юришини сўранг. Карталарни ўртага қўйинг ва ҳар бир аъзодан биттадан картани олиб, даврага қайтишини сўранг.
- 3 Барчадан ўз картасига қарашни ва ўзини ўша одам қилиб кўрсатишини сўранг. Барчадан давра бўйлаб соат йўналиши бўйича секин юра бошлашни сўранг. Юраётганларида ўзингизни ўша одам ўрнига солиб, ҳаммага бир нечта саволлар ҳақида ўйлаб кўришни илтимос қилинг.
 - а. Эрталаб соат нечида уйғонган бўлар эдингиз?
 - б. Одатда эрталаб соат 10 да нима қиласиз?
 - в. Тушликда нималар тановвул қиласиз?
 - г. Ҳар куни қандай одамлар билан учрашасиз?

Кейин жамоангиздан одам қандай юриши мумкинлигини тасаввур қилишни ва улар каби юра бошлашни сўранг. Жамоа аъзоларингиз ўша одамнинг қизиқишлари нимада эканлигини ва сизнинг тадқиқот мавзуингизнинг қайси жиҳатлари уни қизиқтиришини тадқиқ қилишлари учун саволлар беришда давом этинг.



- 4 Барчага юришни бас қилишни айтинг ва “Нимага бу одам сизнинг мақсадингизни қўллаб-қувватлайди?” - деган саволни беринг. Кейин жамоанинг ҳар бир аъзосидан эҳтимолий жавобни баланд овозда айтишини сўранг. “Мен ушбу жамоани қўллаб-қувватлайман, чунки
- 5 Гуруҳингизга ким ўзини кимга солаётганлигини сўранг ва бу ошкор бўлганидан сўнг, деворга таъсир ўтказиш кучига эга бўлган шахснинг номи ёзилган картани ёпиштиринг.

Хулоса: Жамоа аъзолари таъсир кўрсатиш кучига эга бўлганликларининг ҳар бирини тушуниш учун етарли маълумотга эга бўлмаслиги мумкин. Бўшлиқлар нима эканлигини билиш яхши. Сизнинг жамоангиз сизнинг ҳамкорларингизни ўрганиб чиқиб, сизнинг мақсадингизни ким қўллаб-қувватлаш учун таъсир кўрсатиш қурбига эга бўлганларнинг турли хил қизиқишлари, қарашлари ва қобилиятларини тушунишга ёрдам бериши мумкинлигини билиб олишлари мумкин.

Тадқиқотингиз билан баҳам кўришишнинг турли хил усуллари мавжуд. Сиз ўзингизнинг жамоангизни телевизорда интервью беришини хоҳлайсиз, шунда бутун мамлакат сизнинг тажрибангиз ва ғояларингиз ҳақида эшитиши мумкин. Ёки сиз ўзингизнинг тавсияларингизни баҳам кўриш учун ҳукумат расмийлари билан шахсан суҳбатлашиш истагида бўлишингиз мумкин. Ёки, буларнинг ҳар иккаласини қилишни хоҳлашингиз мумкин! Агар сизнинг мақсадли аудиториянгиз жамоангиздан ёки мамлакатингиздан ташқарида бўлса, мақсадли аудитория билан муносабатлар ўрнатган ҳамкорлар сизга маслаҳат бериши ва улар билан алоқа ўрнатиш борасида ёрдам беришлари мумкин.

Тадқиқот гуруҳи ва жамоа тадқиқот ва тавсияларини қандай баҳам кўришга қарор қилганини ўрганиб чиқинг. Ёзма ҳисобот яхши усулми? Агар шундай бўлса, ҳисобот қанчалик катта бўлади ва тингловчиларни уни ўқишга нима ундаши мумкин? Шахсий тақдимот қилишингиз керакми ёки норозилик рамзларини яратиш керакми, видео, инфографик ёки веб-сайт яратишингиз керакми? Ҳамкорлар сизга хоҳ кўнгилли видео муҳаррирлик, хоҳ график дизайнерлик ёки рассомчилик соҳаларида ёрдам беришлари мумкин. Стратег бўлинг ва ишга ижодий ёндашинг!

Тадқиқотингиз натижалари билан ўртоқлашишингиз мумкин бўлган турли хил усулларга оид бир неча мисол:

ЁЗМА ҲИСБОТ ТАЙЁРЛАНГ



Жамоа ҳисоботини ёзиш учун қуйидагиларга қаранг:

- <http://bit.ly/LilongweWaterProjectCommunityOutreachReport>
- http://bit.ly/IAP_GAT

МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ВИЗУАЛИЗАЦИЯСINI ЯРАТИНГ



Буни қўлда қизиш ёки интернет орқали қилса бўлади. Бепул рақамли иконографика учун қаранг:

- www.canva.com

Жамоа бошчилигидаги тадқиқотларга таянган иконографика учун қаранг:

- <http://bit.ly/8StepstoCommunityLedDevelopment>
- <http://bit.ly/MalawiCommunityInfographic>
- <http://bit.ly/PanamaCommunityInfographic>

САНЪАТИНГИЗНИ ИШГА СОЛИНГ



Бу театр, рақс, граффити, фотография, рассомчилик, хайкалтарошлик ёки ифода этишининг бошқа бирор шакли бўлиши мумкин!

ЖАМОАВИЙ ҲАРАКАТЛАРНИ ТАШКИЛЛАШТИРИНГ



Бу сизнинг жамоангизга кирган ва ундан ташқаридаги одамларни ўз ичига олиши мумкин, шунингдек, норозилик, юриш ёки гуруҳ сифатида биргаликда олиб бориладиган ҳаракатларнинг бошқа шакли бўлиши мумкин.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ЁКИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЎРТОҚЛАШИНГ



Муайян akkaунтларни нишонга олиш учун (#) ҳештэги ёки эт (@)дан фойдаланинг Ижтимоий тармоқларда фаол иш олиб бориш йўллари тўғрисидаги маълумотларни олиш учун қуйидагига қаранг:

- <http://bit.ly/SocialMediaStrategiesforAdvocacy>

ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИНГ



Ўзингизнинг топилмаларингиз билан ўртоқлашиш учун тадбирлар ўтказишингиз ва юқорида муҳокама қилинган бошқа ҳар қандай ижодий амалларни тарғиб қилишингиз мумкин.

Жамоа хулосалари билан ўртоқлашиш учун қайси воситани танлаганингиздан қатъи назар, бутун жараён давомида жамоанинг унда иштирок этиши муҳимдир. Агар тадқиқот жараёни жамоа бошчилигидаги катта кампаниянинг бир қисми бўлса, **натижаларини керакли одамлар билан тўғри тарзда бўлишиш** катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Тарғиботни бошлаганингиздан сўнг, бироз вақт олинг ва тадқиқот гуруҳингизни бутун жараён ҳақида қандай фикрда эканлигини,

мақсадларингиз сари йўлнинг қайси босқичида эканлигингизни баҳолашни, ҳар қандай муаммоларни муҳокама қилишни ва кейинги босқичларда кампанияни ўзгартириш тўғрисида ўйлаб кўришни таклиф қилинг. Бу **алоҳида шахслар учун ҳам, бутун жамоа учун ҳам таълим жараёни, ҳам байрам жараёни** бўлиши мумкин. Англаш тадқиқот жараёнининг ҳар бир босқичида юз бериши мумкин.

БИРГАЛИКДА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Тадқиқот натижалари тавсиялар билан бўлиши ўзгаришларни талаб қилишда, шунингдек, бошқаларни жамоани ривожлантириш режалари ва ғоялари тўғрисида сафарбар қилиш ва хабардор қилишда муҳим қадам бўлиши мумкин. Жамоа бошчилигидаги тадқиқот жараёнининг бошида белгиланган вақт жадвалига риоя қилинг ва ҳар бир қадамни мунтазам равишда қайта кўриб чиқинг ва ғалабалар ҳамда янги имкониятлардан берадиган афзалликлардан фойдаланиш учун ёндашувларни мослаштиринг.

Бошқа жамоалар, ижтимоий ҳаракатлар ёки фуқаролик жамияти гуруҳлари тадқиқот ва тавсиялардан фойдаланиши мумкин ва жамоа олиб борган тадқиқотлар қандай ўтказилганлигини тушуниш истагини билдиришлари мумкин. Ўзингизнинг ишингизни улар билан ўртоқлашиш ҳақида ўйлаб кўринг!

ЖАМОА БОШЧИЛИГИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАРГА ОИД ТАЖРИБАЛАР:

ЭЛИАСНИНГ ҲИКОЯСИ

Салом, мен Элиасман! Мен Малавидаги жамоаларга, уларга таъсир кўрсатадиган ривожланиш жараёнларининг бир қисми бўлишларига ёрдам бериш учун ўз фикрларини билдиришда ёрдам берадиган ташкилот билан ишлайман.

2016-йилда Малави ҳукумати Диамфве дарёсида тўғон қурмокчи бўлганини билиб қолдик. Лойиҳа тўғридан-тўғри 6000 дан зиёд одамнинг уйлари, ҳаёти ва атроф-муҳитига таъсир кўрсатган бўлар эди! Ўша пайтда одамлар лойиҳа ҳақида нималарни билишлари ва унинг таъсири ҳақида нималарни билишлари ҳақида маълумот кам эди. Бунини билиш учун мен ишлаган ташкилот жамоа бошчилигидаги тадиқотларни ўтказиш учун ХМЛ бирлашди. 3 ҳафта давомида биз 129 киши орасида сўров ўтказдик, фокус гуруҳида мунозаралар ўтказдик ва таъсир ўтказиш кучига эга бўлган 700 дан ортиқ кишилар билан маълумот алмашиш учун йиғилишлар ташкил қилдик. Биз ушбу тадиқот натижаларини



Элиас Жика Малавидаги Диамфве тўғонидан жабрланган жамоалар билан жамоа бошчилигидаги тадиқотлар ўтказиш учун Citizens for Justice (CFJ) Фуқаролар учун Адолат ташкилоти билан ҳамкорлик қилди. Жамоа бошчилигидаги тадиқотлар натижаларини bit.ly/CFJ_Report манзилидаги жамоа ҳисоботида ўқишингиз ва уларнинг инфографикасини инглиз тилида bit.ly/Malawi-Infographic_EN манзилида, чичева тилида bit.ly/Malawi-Infographic_CH манзилида танишишингиз мумкин.

Элиаснинг тадиқотларида фойдаланилган сўровнома ХМЛ The Global Advocacy Team томонидан мослаштирилган ва тузилган. The Global Advocacy Team ташаббуси ривожланиш лойиҳаларини бажариш соҳасида бевосита тажрибага эга бўлган жамоалар

лойиҳаларни режалаштирувчилар ва молиялаштирувчилар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда жамоаларни қўллаб-қувватлаш учун ишлатмоқчи эдик.

Тадқиқот ишларини бошлаш учун биз биринчи навбатда жабрланган жамоаларнинг ҳар бири билан тадқиқот гуруҳларини туздик. Ҳар бир гуруҳ 5 дан 7 кишигача, шу жумладан, менинг ташкилотим аъзолари ва жамоа аъзоларидан иборат эди. Жамодаги аёллар ўз фикрларини баҳам кўришлари учун ҳар бир гуруҳда камида битта аёл гуруҳ аъзоси бўлишини таъминлашга ҳаракат қилдик.

ХМЛ сўровномаси намунасини Малави контекстига мослаштирганидан сўнг, биз жабрланганлардан бир нечаси билан суҳбатлашиш учун учрашувлар ташкил қилдик. Биз жамоа раҳбарларининг бутун жараён давомида иштирок этишларига ишонч ҳосил қилдик ва улар бизга жамоа кун тартибини тушунишга ёрдам беришди. Масалан, улар бизга вегетация даврида одамлар жуда банд бўлишларини ва гаплашишга кўп вақтлари бўлмаслигини маълум қилишди. Учрашувлар одатда футбол майдонларида, мактабларда ёки

ташкilotчиларини, жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни ўтказиш ва тадқиқотларни ишлаб чиқиш ва бажариш услубларини ўзгартириш учун сафарбар қилиш мақсадида бирлаштиради. Уларнинг ҳисоботини куйидаги манзилда ўқинг: bit.ly/backtodevelopment. Сўровнома намунасини иловодан топишингиз мумкин.



Малави

« *Биз бирга-бир усулидаги сўровлардан фойдаландик ва тенг сондаги эркаклар ва аёллар билан суҳбат ўтказилишини таъминладик*

« *Мен жамоаларнинг ишни ўз қўлларига олганларини кўриб ҳайрон қолдим.*

черковларда бўлиб ўтарди. Биз бутун жамоа билан гаплашар эдик, сўнгра кичикроқ мунозаралар гуруҳларига бўлинар эдик ва яккама-якка суҳбатлар ўтказардик. Биз аёллар, қариялар ва бошқа кам намоён этилган гуруҳларнинг иштирокини фаол равишда рағбатлантириб турдик. Учрашувларда эркаклар кўпинча аёллардан кўпроқ бўлар эди, аммо **биз бирга-бир усулидаги сўровлардан фойдаландик ва тенг сондаги эркаклар ва аёллар билан суҳбат ўтказилишини таъминладик.**

Биз барчанинг жавобларини тўпладик ва таҳлил қилдик ҳамда ҳисоботда ўз олган маълумотларимиз билан ўртоқлашдик. ХМЛ кўмагида биз тўғонни молиялаштиришни ўйлаётган учта ривожланиш банки билан тадқиқотларимизни баҳам кўришга муваффақ бўлдик. Малави ҳукумати билан ҳам алоқа ўрнатилди ва тадқиқот натижалари тўғрисида хабардор қилинди. Жамоа аъзоларининг ҳар қандай жавоб чораларига



дуч келишларидан ҳимоя қилиш учун тадқиқотда қатнашган одамлар ёки уларнинг жамоалари ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирмадик.

Жамоага тўланадиган товон пули, жамоанинг кўчириш ва тирикчилик манбаларини тиклаш бўйича тавсияларини ўқиб чиққач, учта ривожланиш банки Диамфве дарёсидаги тўғон жуда катта зарар келтиришини англади. Шундай қилиб, учта банкнинг ҳар бири биринкетин лойиҳага пул бермаслик ҳақидаги қарорга келди. Бошқа банклар ва компаниялар келажакда тўғонни молиялаштириши мумкин бўлса-да, ҳозирча жамоаларнинг овози эътиборга олинди ва уларнинг қарашларига ҳурмат кўрсатилди.

Ушбу тадқиқот жараёнида **мен жамоаларнинг ишни ўз қўлларига олганларини** ва мустақил ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлганларини **кўриб хайрон қолдим**. Улар бирга ўтириб, кейинги қадамлари қандай бўлиши кераклиги тўғрисида қарор қабул қилишди. Компаниялари натижасида эришган муваффақиятлари туфайли улар ўзларининг раванқини ўзлари белгилаш қурбига эга эканликларини эълон қилишди!



Мунозара учун саволлар:

1. Элиас ва унинг жамоаси қандай қилиб тадқиқотга жамоатчиликнинг барча фикрларини киритилишига муваффақ бўлишди?
2. Ушбу жамоа бошчилигидаги тадқиқотда мақсадли аудитория кимлар бўлди ва уларнинг лойиҳадаги роллари нимадан иборат?
3. Тадқиқот лойиҳага қандай таъсир ўтказди?

ИЛОВАЛАР

Табриклаймиз, сиз ХМЛнинг “Жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни ўтказиш бўйича кўрсатмалар”ини ўрганишни якунладингиз! Ўзингиз жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни мустақил равишда бошлашга тайёр эканлигингизни ҳис этмоқдасиз, деган умиддамиз. Ишни бошлашингизда Сизга ёрдам бериш учун биз ушбу иловага бир нечта манбани киритдик:

1. Бизлар ҳам мутахассисмиз! Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар учун мўлжалланган Эслатма

Бу манба биз ушбу модулда босиб ўтган барча қадамларни тавсифлайди. Сиз ушбу назорат рўйхатини алоҳида парчаларга ажратишингиз, улардан нусхалар олишингиз ва жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни ўтказганда барча босқичлар ҳақида эслатма сифатида фойдаланишингиз мумкин.

2. Сўровнома намунаси

Жамоа бошчилигидаги тадқиқотлар ҳақида маълумот беришда ёрдам олиш учун ушбу сўровнома намунасидан фойдаланинг! Ўзингизнинг жамоангиз шароитларига мослашишдан тортинманг ёки ўзингизникини яратиш учун илҳом манбаси сифатида фойдаланинг.



Халқаро Масъулият Лойиҳаси (ХМЛ) қуйидаги инсонлар ва ташкилотларга ушбу Қўлланмага қўшган ҳиссалари учун миннатдорчилик билдиради:

Мела Чипонда, WoMin

Сухгерел Дугерсурен, OT Watch

Элиас Жика, International Accountability Project

INTERNATIONAL
ACCOUNTABILITYPROJECT

accountabilityproject.org
